

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

сув ишлари бўйича проректор

Б.Қ.Тўхтамишев

2014 й.



**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ**

5230100 – Иқтисодиёт (қишлоқ хўжалиги)

**таълим йўналиши учун
СУВ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ
фанидан**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

АНДИЖОН -2014

Маърузалар матни 5230100 - Иктисодиёт (кишлоқ хужалиги) таълим йуналиши 2-боскич талабаларига 4-семестр учун мулжалланган.

Мазкур маърузалар матни и.ф.д., профессор У.П.Умурзаков, и.ф.н., профессор А.А.Султонов, и.ф.н., доцент Ж.Х.Рашидовлар таҳрири остида Кишлоқ хужалиги иктисодиёти ва бошқарув кафедрасини катта уқитувчиси Т.Н.ИМИНОВ томонидан тайёрланган.

Такризчилар:

М. Хожибоев - «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, и.ф.н. Б.Носиров -

«Кишлоқ хужалик иктисодиёти ва бошқарув» кафедрасининг

катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Кишлоқ хужалик иктисодиёти фанидан маърузалар матни «Кишлоқ хужалик иктисодиёти ва бошқарув» кафедрасининг «⁷» ил С6_ 0% даги i - сонли баёни билан тасдиқланди.

доц. Кафедра мудири:

О.Шерматов

Кишлоқ хужалик иктисодиёти фанидан маърузалар матни "Иктисодаёт бошқарув" факультети услубий раёсатининг i± 0% даги -j - сонли баёни билан тасдиқланди.

Услубий раёсат раиси:



и.ф.н., доц. М.Хожибоев

Кишлоқ хужалик иктисодиёти фанидан маърузалар матни Андижон шлоқ хужалик институти Уқув услубий кенгашининг ^{ΔΔ} ил ZY 0% даги 4 - сонли баёни билан тасдиқланди.

Уқув- услубий кенгаш раиси:



Ф. К-
Тухтамишев

5230100 - Иктисодиёт (кишлоқ хужалиги) таълим йуналиши учун Сув хужалиги иктисодиёти фанидан маърузалар ва улар буйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг таксимоти

№	Мавзулар номи	Маъруза соати
1.	Сув ресурслари ва улардан халқ хужалигида фойдаланиш. “Сув хужалиги иктисодиёти” фанининг услуги ва вазифалари.	2
2.	Мелиорация ва сув хужалигининг асосий фондлари ва айланма маблағлари.	2
3.	Сув хужалигида мутахассислар, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи.	2
4.	Етказиб берилган сувнинг таннари, баҳоси ва баҳонинг ташкил топиши.	2
5.	Нархлар, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллиги.	2
6.	Сув хужалиги ва мелиорация тадбирларига капитал қўйилмалар иктисодий самарадорлиги.	2
7.	Сув хужалиги корхоналарида бозор тизими муносабатларини куллаш.	2
	Ж А М И:	20

1- Мавзу: Сув ресурслари ва улардан халқ хужалигида

фойдаланиш. “Сув

хужалиги иктисодиёти” фанининг услуги ва вазифалари. (2соат) .

Р Е Ж А:

- 1. Сув ресурсларининг роли ва улардан халқ хужалигида комплекс фойдаланиш.***
- 2. “Сув хужалиги иктисодиёти” фанининг услуги ва вазифалари.***
- 3. Кишлоқ хужалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.***
- 4. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни мухрфаза қилиш самарадорлигини ошириш тадбирлари.***

Таянч суз ва иборалар:

Сув ресурслари, сув таксимоти, сув танқислиги, сув таъминоти, оқава сув, сугориш тизими фойдали иш коэффициенти, сувдан фойдаланиш коэффициенти, сувдан фойдаланиш унумдорлиги, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, сувни муҳофаза қилиш.

1. Сув ресурсларининг роли ва улардан халқ хужалигида комплекс фойдаланиш.

Сув хужалиги деб, ер ости ва усти сувларини ҳисобга олиш, урганиш, фойдаланиш ва асраш ҳамда сувнинг зарарли таъсирига қарши кураш бўйича тадбирлар системасига айтилади.

Замонавий шароитларда сув ресурсларининг халқ хужалигида фойдаланиш давлат микёсидаги ҳар томонлама ҳисобга олиш ва урганишсиз етарли натижа бермайди, каерда ва канча ҳажмдаги сув ресурслари кераклигини, қайтадиган сув ҳажми канчалигини, туман ҳудудида канча сув борлигини аниқ билиш зарур.

Мавжуд сув ресурслар микдорини (дарё хавзалари микёсида) доимий гидрологик кузатишлар ҳамда гидрология, гидравлика, сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва асраш борасида назарий ва тажрибавий изланишларнинг натижалари бўйича аниқланади.

Х,ар хил технологик жараёнларда (совутиш, ювиш ва хоқозо) сув ута ифлосланган ва юқори температура билан қайтарилади ва яна ерларнинг захини қочириш, натижасида сув ресурсларининг йукотилиши содир бўлади.

Шунинг учун сувдан режали ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш талаб қилинади.

Сув факат фойдагина эмас, зарар ҳам келтиради. Сув зарарли таъсирига дарё, каналлар қдрғокдарининг емирилиши, ҳосилдор ерларни ювиб, бузиб қучириб қетиши, сув эрозияси, сел оқимлари ана шулардир.

Шунинг учун, сув хужалигининг асосий вазифаси сув хужалик объектларининг ифлосланиши ва қуришдан сақлаш, халқ хужалигининг асосий тармоқларини сув билан таъминлаш ва сувнинг зарарли таъсирига қарши курашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: «Ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилана

фойдаланиш зарур ва улар давлат химоясидадир» дейилган. Эндиликда Ўзбекистон сув хужалигининг фойдаланилаётган фонди 250 та сугориш системаси, 50 та йирик гидробутин, 40 та ирригацион сув омбори, 26300 км узунликдаги хужаликлараро каналлари, 163 минг км узунликдаги ички хужалик сув каналлари, 120 минг км узунликдаги закон зовур шахобчалари, 3439 та тик зовур кудуги ташкил этади.

Мамлакатимиз моддий техника базасини яратишда сув ресурслари гоят катта аҳамиятга эга. Сув ресурслари табиат ресурслари орасида алохида урин тутади ва аҳамиятига кура бекиёсдир. Сув халк хужалигининг барча тармокларида ва аҳолининг ҳаёт фаолиятида ишлатилади. Бунда табиий сувлардан фойданиш характери ва турлари хилма-хилдир, сув ресурслари мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб нихоятда нотекис тақсимланган.

Сувнинг территория жихатидан тақсимланишдаги тенгсизлик унинг мавсумий тебранишлари туфайли кучайиб боради. Сув баланси ва унинг йил, фасл бўйича тақсимланишига дарёларнинг сув билан тақсимланиши характери катта таъсир курсатади. Мамлакатимиз дарёлари учун асосий сув манбаи тоғлардаги кордир. Бундай хавзаларда асосий сув оқими баҳор фаслига тугри келади, сув манбалари музликлар ҳисобланадиган хавзаларда сувнинг катта қисми ёз фаслига тугри келади. Дарё сувларининг йил фасллари бўйича бундай ноқулай тақсимланиши сув ресурсларидан фойдаланишни кийинлаштиради ва сув хужалиги балансларида тангликни вужудга келтиради. Чучук сув танқислиги сув ресурсларининг асосий қисми экинларни сугоришга кетадиган қурғокчил ҳудудда кескин сезилади.

Сув хужалиги тармоқларига:

- 1) Сугориш
- 2) Қуритиш
- 3) Сув билан таъминлаш
- 4) Гидроэнергетика
- 5) Сув транспорти
- 6) Балиқчилик хужалиги ва бошқалар қиради.

Қишлоқ хужалиги мамлакатимиздаги барча сув истеъмолчилари орасида алохида урин тутади, энг куп сув сугоришга кетади. Олинадиган сувнинг 50% дан ортиги қайтмас тарзда истеъмол қилишга олинadиган сувнинг 85% га яқин булади, ваҳоланки коммунал хужаликда 16%, саноатда 9% сарф булади. Қуритишда ортиқча сув микдори уша территориядан чиқариб ташланади. Сув билан таъминлаш - бу сувни истеъмолчиларга етказиб беришдир, ремонт ишлаб чиқарувчи қўшларнинг ривожланиши меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва жойлашиши сув таъминоти билан боғлиқ булади, сув билан таъминлаш сувнинг сифатига юқорилик талаблар қўяди.

Сув таъминотининг қуйдаги турлари мавжуд:

- 1) Коммунал
- 2) Саноат
- 3) Қишлоқ хужалик
- 4) Темир йўл ва бошқалар.

Гидроэнергетикада сув ресурслари факат энергия ташувчи сифатида булади

холос.

2. *Сув хужалиги иктисодиёти фанининг услуги ва вазифалари.*

Сугориладиган дехкончиликни шиддатли ривожланиши, ахоли сонининг ортиб бориши ишлатишга ярокли сувга булган эҳтиёжни, талабларни оширмоқда, кушимча сув ресурсларини жалб килишга булган харажатларни купайтирмоқда. Республикамизда хар 10-12 йил мобайнида тоза сув олиш тахминан 2 баробар ошмоқда. Олинадиган тоза сувнинг ярмидан купи кайтмас тарзда истеъмол килинади, бундан сугоришда 85% гача, коммунал- маиший хужаликда 30% дан куп, саноатда эса, 1/10 камрок тоза сув шу тарзда истеъмол килинади.

Мелиорация холатини яхшилаш максадида замонавий мелиорация системаларини жорий килишга, ишлаб турганларини кайта тиклаш (реконструкциялаш)га, сув ва ер ресурсларини хамда атроф мухитни муҳофаза килишда, шунингдек, хужалик хисоби, жамоа ва ижара пудратини жорий килиш оркали мелиорация ташкилотлари билан ердан фойдаланувчилар уртасидаги иктисодий муносабатларни такомиллаштиришга биринчи даражали ахамият бериш зарур.

Сув хужалиги тармоги ривожланишининг иктисодий конуниятлари, сув хужалиги тадбирларини утказишнинг максадга мувофик йуллари ва усулларини аниклаш сув хужалиги иктисодиёти фанининг асосий вазифасидир.

Сув хужалиги деб, ер усти ва ости сувларидан фойдаланиш ва химоя килиш хамда, ишлатидиган сувга зарар етказишга карши курашиш буйича тадбирлар системасига айтилади. Сув ресурслари ишлатишга ярокли ерларни сугориш ва бостириш, корхона ахоли пунктларини сув билан таъминлаш, электр энергияси олиш, кемачилик ва урмон окизиш, баликчилик хужалигини ривожлантириш, даволаш ва спорт максадлари учун ишлатилади.

Сув хужалиги жумласи кенг манода халк хужалигининг кайси тармогига хизмат курсатишидан катъий назар барча сув хужалик тадбирларини уз ичига олади. Биз утадиган курсда асосан кишлок хужалигига хизмат килувчи сув хужалигитармоги ривожланиши иктисодий конуниятлари, сув хужалигитадбирларини утказишдаги максадга мувофик йуллар ва усулларини аниклаш хисобланади.

Сув хужалиги иктисодиёти курсида кишлак хужалиги ривожланишидаги мелиорациянинг ахамиятига хар томонлама иктисодий нуктаи назардан характеристика берилади. Бундан ташкари, тармок иктисодиётида шу тармокни бошқаришни ташкил этиш ва меҳнат хаки саволлари куриб чикилади, амалдаги сув хужалигисистемаларини асосий фондларни янгилаш, таъмирлаш ва кайта тиклашдан иборат. Шунинг учун, тармок иктисодиёти курсида асосий фондлар улчами ва таркиби, уларнинг емирилиши, янгилаш ва тула тиклаш саволларига жавоб берилади. Гидротехник мелиорацияни амалга ошириш катта меҳнат маблағларини ва меҳнат сарфларини катъий тежаш ва камайтириш сув хужалигиучун биринчи даражали ахамиятга эга. Бу масала буйича ушбу курсда ишлаб чикариш сув хужалиги ишлари таннархи, уларнинг рентабеллиги, хужалик хисоби ва сув хужалигини молия билан таъминлаш каби саволларга жавоб берилади.

3. Кишлок хужалигида сувресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.

Сув ресурсларидан халқ хужалигининг куп сохаларида бошка куп мақсадлар учун ҳам фойдаланилади, шунинг учун сув хужалиги тадбирларини хал этишда комплекс ёндашув ҳисобга олинади. Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш иқтисодий минтака ёки дарё хавзасига нисбатан қараб чикилади. Бунда табиий муҳитнинг таркибий қисми бўлган сув ресурслари моддий ва табиий ресурсларини оқилона ихтисослаштириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш асосида халқ хужалик тармоқларини территория жихатидан ташкил этишни шартлайди.

Сув ресурсларининг вужудга келаётган танқислиги шароитида сувга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилишини минтакавий қуламдаги тавсияларни ишлаб чиқиш сув хужалиги-комплекс (СХК) нинг асосий вазифасидир, минтака сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш тармоқларнинг ҳар бирида сувни асосли тарзда тақсимлаш мақсадида тузилган сувдан оқилона фойдаланишнинг ягона тармоқлараро схемаси бўйича амалга оширилади.

Сув хужалиги комплексининг асосий қисмлари сув ресурсларига турлича талаблар қуяди. Гидроэнергетика учун сув сунъий қурилган ёки табиий шаршарадан ҳосил қилиш мумкин бўлган энергия манбаи сифатида тасаввур қилинади. Сув транспорти учун сувдан фойдаланишда асосий нарса кема юргизиш даврида зарур чуқурликни таъминлашдир. Балиқ хужалигида балиқ етиштириш ва уни урчитиш учун ҳовузларгина эмас, балки куп ҳолларда дарёлар сув оқимининг муайян тартиби ҳам керак бўлади.

Сув муаммоси 3 та йул билан хал қилинади:

- биринчидан, дарё сувини тула тартибга солиб туриит керак. Сув омборлари қуришйули билан тартибга солинади.

Сув омборлари қуриш куп мақсадларни қулайди. Бу сув таъминотини йулга қуйиш, дарё сувини тартибга солиш, энергия ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш, сугориш ва сув чиқаришни ривожлантириш, транспорт магистралларини яратиш, балиқ хужалигини ривожлантириш ҳамда сув тошқинларини олдини олиш керак;

- иккинчидан, бу қурилиш, дарё хавзалари уртасида сувни қайта таъминлашни амалга оширади;

- учинчидан, ҳар бир хавза ичида сувни тежаб сарфлашга қаратилган ташкилий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилади. Бу тадбирларга сув хужалиги системаларини қайта қуриш, оқова сувлардан тақроран фойдаланиш, янги техникани жорий қилиш, сув хужалигиташқилотлари билан сув истеъмолчилари орасида хужалик ҳисоби муносабатларини жорий қилиш қиради.

Сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш - ирригация-медилорация хизмати самарадорлигини анча оширади. Бу ҳолда сув хужалигитадбирларига тор идоравий ёндашувига чек қуйилади, уларнинг халқ хужалик аҳамияти тула ҳисобга олинади. Сувни ифлосланиш ва тугаб қолишдан сақлаш бўйича талабларга албатта риоя қилинади.

4. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳрфаза

қилиш самарадорлигини ошириш тадбирлари.

Мамлакатимиз моддий техника базасини яратишда сув ресурслари гоят катта аҳамиятга эга. Сув ресурслари табиат ресурслари орасида алоҳида урин тутади ва аҳамиятига кура бекиёсдир. Сув халқ хужалигининг барча тармокларида ва аҳолининг ҳаёт фаолиятида ишлатилади. Бунда табиий сувлардан фойданиш характери ва турлари хилма-хилдир, сув ресурслари мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб нихоятда нотекис таксимланган.

Сувнинг территория жихатидан таксимланишдаги тенгсизлик унинг мавсумий тебранишлари туфайли кучайиб боради. Сув баланси ва унинг йил, фасл бўйича таксимланишига дарёларнинг сув билан таксимланиши характери катта таъсир курсатади. Мамлакатимиз дарёлари учун асос тоғлардаги кордир. Бундай туманларда асосий сув оқими баҳор фаслига тугри келади, сув манбалари музликлар ҳисобланадиган хавзаларда сувнинг катта қисми ёз фаслига тугри келади. Дарё сувларининг йил фасллари бўйича бундай ноқулай таксимланиши сув ресурсларидан фойдаланишни қийинлаштиради ва сув хужалигибалансларида тангликни вужудга келтиради, чучук сув танқислиги сув ресурсларининг асосий қисми экинларни сугоришга кетадиган қурғокчил ҳудудда кескин сезилади.

Сув хужалиги тармокларига:

- 6) Сугориш
- 7) Қуритиш
- 8) Сув билан таъминлаш
- 9) Гидроэнергетика
- 10) Сув транспорти
- 6) Балиқчилик хужалиги ва бошқалар қиради.

Қишлоқ хужалиги мамлакатимиздаги барча сув истеъмолчилари орасида алоҳида урин тутади, энг қуп сув сугоришга кетади. Олинадиган сувнинг 50% дан ортиқи қайтмас тарзда истеъмол қилишга оладиган сувнинг 85% га яқин бўлади, ваҳоланки коммунал хужалиқда 16%, саноатда 9% сарф бўлади. Қуритишда ортиқча сув микдори уша территориядан чиқариб ташланади. Сув билан таъминлаш - бу сувни истеъмолчиларга етказиб беришдир, ремонт ишлаб чиқарувчи қушларнинг ривожланиши меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва жойлашиши сув таъминоти билан боғлиқ бўлади, сув билан таъминлаш сувнинг сифатига юқорирок талаблар қуяди.

Сув таъминотининг қуйдаги турлари мавжуд:

- 4) Коммунал
- 5) Саноат
- 6) Қишлоқ хужалик
- 4) Темир йул ва бошқалар.

Гидроэнергетикада сув ресурслари факат энергия ташувчи сифатида бўлади холос.

Бозор иқтисодиётига утиш даврида табиий ресурслардан ва хусусан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилмоқда. Сувни муҳофаза қилиш чоралари нотугри ҳаракатлар ёки тадбирларни тухтатишгагина эмас, балки асосан сув ресурслари ифлосланиши

ва тугаб қолиши олдини олишга қаратилгандир. Хрвузлардаги турли хил ингредиентларнинг йул қуйиладиган йигиндилари меъёрлари мавжуд. Улар сувдан хужалик ва маиший эҳтиёжлар учун кишилар соғлигига зарар етказмай фойдаланишга қаратилган.

Хрвузларнинг оқова сувлар билан ифлосланиши халқ хужалигига катта зарар келтиради. Давлатимиз томонидан сув ресурслари муҳофазаси бўйича бир канча чоралар белгилаган. 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Мамлакат сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ва улар муҳофазасини қучайтириш чоралари тугрисида» қарор қабул қилинди. 1997 йилда Сув муаммолари институти тузилган. 1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тугрисида»ги қонуни қабул қилинган. Давлат бу қонун билан сув ресурслари умумхалқ бўйлиги ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни ифлосланишдан муҳофаза қилиш-давлат аҳамиятига эга иш эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Қонунда аҳолининг хужаликнинг-ичиш эҳтиёжлари биринчи галда қондирилиши принципи таъкидланган. Бу ҳар қандай хужалик фаолияти аҳолини тоза сув билан меъёрида таъминлашга тусиқ бўлмаслиги қераклигини билдирди.

Сувларни тартибга солиш ва муҳофаза қилишни назорат қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида давлат сув назорат инспекцияси тузилган. Улар фаолияти минтақасига хавзаларга яқин иқтисодий районлар билан бирга бир ёки бир нечта дарёнинг хавзаси қиради. Масалан, Амударёни бошқариш бошқармаси ва Сирдарёни бошқариш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон ва вилоятлар инспекцияси.

Сув манбаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш муаммоси ҳозирги вақтда ўч йуналишда ҳал қилинмоқда. Биринчидан, сувларни тозалаш ишлари қулламани қенгайтириш ишлари олиб қорилмоқда. Бунинг ўчун тозалаш ва бошқа сув муҳофазаси иншоотларини қуриш суръатларининг тозаланмаган оқова сувлар ташлаб юборилиши ўсишининг суръатларидан орқада қолишига барҳам бериш қерак.

Иқкинчидан, оқова сувлардан сугорма дехқончиликда фойдаланиш қенгайиб қорилмоқда. Шаҳарлар маиший оқова сувларидан фойдаланиш ўчун сугоришнинг дехқончилик майдонлари деб аталган махсус сугориш тизимлари қурилмоқда, тупроқ ва ўстириладиган экинлар ёрдамида оқова сувларнинг табиий биохимик тула тозаланиши қодир бўлади. Бундай далаларда санитария гигиена муҳофазаларига қура асосан техника ва озуқа экинлари ўстирилади.

Ўчинчидан, саноат қорхоналарида сувдан ёпик қикл бўйича қайта - қайта фойдаланишга қаратилган технологик жараёнлар мутасил тақомиллаштирилмоқда. Ишлаб қикаришга сув билан таъминлашнинг ёпик тизимларини жорий қилишга. саноатнинг қимё, металлургия нефтни қайта ишлаш ва бошқа тармоқларида катта аҳамият берилмоқда. Сув таъминотининг ёпик жараёнларига ўтиш сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммосини анча тулик ҳал этиш имқонини беради.

Назорат ва ўз-ўзини текшириш ўчун саволлар:

1. Сув ресурсларининг халқ хужалигини ривожлантиришдаги ўрни ва

аҳамияти нималардан иборат?

2. Сув ресурсларининг манбалари буйича жойлашиши нима?
3. Сув хужалиги иктисодиёти фани нимани урганади?
4. Фаннинг асосий вазибаларига нималар киради?
5. Сув хужалик тармоклари кайсилар ва уларнинг иктисодий аҳамияти нималар билан ифодаланади?
6. Кишлок хужалигида сув ресурсларидан фойдаланиш иктисодий самарадорлиги кандай аникланади?
7. Сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирлари нималардан иборат?

2- мавзу: Мелиорация ва сув хужалигининг асосий фондлари ва айланма

маблаглари. (2 соат)

РЕЖА:

1. *Мелиорация асосий фондларининг хусусиятлари ва таркиби.*
2. *Асосий фондлар эскириши ва амортизацияси.*
3. *Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш курсаткичлари ва йуллари.*
4. *Айланма маблағлар таркиби, таркиби ва меъёрлаштирилиши.*

Таянч суз ва иборалар:

Асосий фондлар, айланма фондлар, мелиорация фондлари, ишлаб чиқариш фондлари, ноишлаб чиқариш фондлари, асосий фондларни паспортлаштириш, асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши, амортизация ажратмалари, амортизация нормаси, фонд самарадорлиги, фонд сигими, фонд қайтими, хом ашё, сугурта захираси, муомала фондлари, пул маблағлари, ялпи маҳсулот қиймати.

1. Мелиорация асосий фондларининг хусусиятлари ва таркиби.

Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун иш кучи билан биргаликда табиий (моддий) ва қиймат шаклларидаги ишлаб чиқариш воситалари ҳам керак булади. Ишлаб чиқариш воситалари қийматининг қуйидаги ифодасини ишлаб чиқариш фондлари ташкил этади.

Ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш фондлари иктисодий маънода узаро фаркланади. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш жараёнининг моддий ашёвий моддалари, ишлаб чиқариш фондлари эса ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ҳосил бўлишидаги улар иштирокининг иктисодий шаклидир.

Мелиорация фондлари кишлок хужалиги фондларининг таркибий қисмидир. Улар кишлок хужалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш воситалари билан узаро алоқадагина самарали амал қила олади.

Меҳнат воситалари асосий фондлар сифатида, меҳнат предметлари эса айланма фондлари сифатида намоён булади.

Асосий ^ ва айланма фондларнинг иктисодий фарклари _____

Белгилар	Асосий фондлар	Айланма фондлар
Хизмат килиш муддати	Куп ишлаб чиқариш циклларида катнашади	Битта ишлаб чиқариш циклларида ишлатилади.
Кийматининг тайёр махсулотига утиши	Эскирган сари уз кийматини тайёр махсулотга утказди.	Уз кийматини тайёр махсулотга тула ва дархол утказди.
Ишлаб чиқариш жараёнида табиий шакли сакланиб қолиши.	Ишлаб чиқариш жараёнида табиий шаклини саклаб қолади.	Ишлаб чиқариш жараёнида табиий шаклини йукотади, уни узгартиради.

Мелиорация ва сув хужалигининг асосий фондларига гидротехника иншоотлари, машиналар, ускуналар, бинолар, транспорт воситалари, узатиш қурилмалари, инструментлар, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқа асосий воситалар қиради.

Асосий фондлар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита катнашади. Ноишлаб чиқариш асосий фондлари ишлаб чиқаришда бевосита катнашмайди, лекин ходимларнинг маиший ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Уларга уй-жойлар, мактаблар, болалар богчалари, даволаш муассасалари, клублар ва бошқа маданий-маиший бинолар ҳамда иншоотлар қиради.

Кийматдан қатъий назар асбоб-ускуна, инвентар, кутубхона фонди, мусика асбоблари, спорт инвентари, мебель ва айрим бошқа предметлар асосий фондларга қиритилади.

Асосий фондлар ҳисоби табиий ва киймат қуринишда олиб борилади. Асосий фондлар кийматининг қуйидаги турлари бор:

1) Дастлабки. 2) Тиклаш. 3) Колдик. 4)Тугатиш.

Дастлабки киймат - асосий воситалар ишга туширилаётганда уларга ҳақиқатда килинган харажатлардир. Бу киймат бинолар ёки иншоотларни қурилиш-монтаж қилиш киймати нинг ҳамда ускуналар олиш кийматидан таркиб топади, бунга ташиб келтириш харажатлари ҳам киритилади. Машина ва ускуналар учун дастлабки киймат улгуржи баҳодан ҳамда ташиб келтириш, монтаж қилиш харажатларидан таркиб топган.

Дастлабки ёки тиклаш киймати билан амортизация ажратмалари йигиндиси уртасидаги фарк, колдик киймати ташкил қилади. Фойдаланиб бўлгандан кейин сакланиб қолган иншоотлар, машиналар, деталалар, материал қисмлари киймати асосий фондларни тугатиш киймати деб аталади.

Мелиорация фондларининг тугатиш киймати кичикдир, тупрокли, бетонли ва гидротехник иншоотларнинг бундай киймати умуман йук.

Хрзирги вақтда мелиорация фондларининг пухта классификацияси йук. Улар қарамлигига қура хужаликлараро ва ички хужалик мелиорация фондларига бўлинади. Хужаликлараро мелиорация фондлари давлат тизимларига қарашли бўлиб, ички хужалик мелиорация фондлари қишлоқ хужалиги қорхоналари балансида туради.

2-жадвал

Қишлоқ хужалиги ва мелиорация фондларининг 1 га ерга тугри қелиши, минг сум

Вилоятлар	Қишлоқ хужалиги асосий фондлари, минг сум	Мелиорация ва сув хужалиги асосий фондлари, минг сум	Ҷами асосий фондлар, минг сум
Қорақалпоғистон Республикаси	104,4	46,58	150,98
Андижон	485	29	514,0
Бухоро	248,6	59,3	307,9
Жиззах	45,87	17,3	63,17
Қашқадарё	38,76	30,78	69,54
Навоий	35,6	8,26	44,2
Наманган	210,8	12,93	223,73
Самарқанд	79,38	15,0	94,38
Сурхондарё	179,47	17,12	196,59
Сирдарё	76,42	20,48	96,90
Тошкент	186,53	7,69	194,22
Фарғона	334,98	14,09	349,07
Хоразм	130,53	27,9	158,02
Ҷами	39,89	22,07	61,96

2. Асосий фондлар эскириши ва амортизацияси.

Асосий фондлар ишлаб чиқаришда қатнашиб, табиий қучлар таъсирида уз

хусусиятлари ва жисмоний сифатларини, аста-секин йукотиб боради, яъни жисмоний эскиришга учрайди. Жисмоний эскириш-бу асосий фондларнинг уз техник-ишлаб чиқариш хусусиятлари ва истеъмол кийматини йукотишидир.

Жисмоний эскириш истеъмол қилиш ва истеъмол қилмаслик натижасида ҳам содир бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда меҳнат воситалари ишлаб чиқариш жараёнида механик эскиришга учрайди. Иккинчи ҳил эскириш табиий шароитлар таъсирида содир бўлади. Шунинг учун жисмоний эскиришга ишлаб чиқаришда фойдаланилиши ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар барча асосий фондлар учрайди.

Асосий фондлар жисмоний эскиришдан ташқари маънавий эскиришга ҳам учрайдики, бу нарса асосий фондларнинг кадрсизланишида ёки тула- туқис жисмоний эскиришгача ишлаб чиқариш жараёнидан чиқиб қолишида. ифодаланади.

Меҳнат воситалари муттасил янгиланиб туриши заруриятини тугдирадиган техника таракқиёти маънавий эскиришнинг моддий асосидир. Барча мелиорация ва кишлок хужалиги фондлари, аввало машина ва усқуналар маънавий эскиришга учрайди.

Фондлар маънавий эскиришининг асосий сабаби, янги меҳнат воситаларининг анча юқори унумдорлиги ва улар ишларининг паст таннархидир. Маънавий эскириш қиймат қуринишда қуйидаги икки шаклда намоён бўлади:

1. Асосий фондларнинг уларни ишлаб чиқариш арзонлашиши туфайли кадрсизланиши.

2. Асосий фондларнинг янги, анча юқори унумли техника яратилиши туфайли кадрсизланиши.

Биринчи ҳил маънавий эскиришдан, йукотишлар техника ишлаб чиқарадиган тармоқларда меҳнат унумдорлиги ошиши муносабати билан бир типдаги машина ва усқуналар улгуржи бақолари узғаришига қура аниқланади.

$$y_{m1} = \frac{HidSH}{T_n},$$

бунда: y_{m1} - биринчи ҳил маънавий эскириш, сум / йил;

Цц ва Цн - эскирган ва янги техника улгуржи бақоси, сум;

T_n - техника хизмат қилишининг меъёр муддати, йиллар.

Иккинчи ҳил маънавий эскиришдан йукотишлар ҳажми маънавий эскирган техника тиклаш қийматининг мазкур техника дастлабки қийматидан оғишига қура аниқланади. Тиклаш қийматини янги техника иши таннархини ва эскирган техника иши таннархини ифодалайдиган коэффициентини қулланган ҳолда ҳисоблаб чиқиш мумкин.

$$y_{m2} = \frac{C_n - C_n \cdot K}{T_n} \cdot \frac{C_n - C_v}{T_n},$$

бунда: y_{m2} - иккинчи ҳил маънавий эскириш, сум / йил;

C_n - эскирган техниканинг дастлабки қиймати, сум;

13

C_v - эскирган техниканинг тиклаш қиймати, сум;

K - янги техника қулланилиши натижасида иш бирлиги таннархи пасайишининг коэффициенти (C_n / C_v).

Фан-техника тараккиёти шароитида маънавий эскириш жисмоний эскиришдан узиб кетиши керак. Лекин амалда сув ва кишлок хужалигида жисмоний эскириш суръатлари буйича маънавий эскиришдан узиб кетмокда.

Асосий фондларнинг хар йилги эскириши уларни реализация килишда. амортизация ажратмалари курунишида махсулот таннархига таркибий қисм бўлиб киради. Шундай қилиб, асосий фондларнинг доиравий айланиши асосий воситаларнинг қиймат курунишида сақланишини таъминлайдиган амортизация орқали амалга оширилади.

Амортизация меъёри-бу эскирган сари махсулот таннархига утказадиган асосий фондлар қийматининг ижтимоий зарур улушидир.

Амортизациянинг амалдаги меъёрлари жисмонийгина эмас, балки маънавий эскиришни ҳам ҳисобга олади. Улар аввалги меъёрларга нисбатан реновацияга амортизациянинг анча оширилган меъёрларига эгадирлар. Мелиорация фондларининг қуп турлари бўйича капитал ремонтга амортизация ажратмалари қамайтирилган. Натижада фондлар хизмат курсатиши муддати учун капитал таъмирлаш улуши қиймати қамайтирилди.

Ички хужалик сугориш шаҳобчасининг йиллик эксплуатацион чиқимларида амортизация ажратмалари 50% дан қупроғини ташкил этади. Бу бутун хужаликдагидан анча қупдир.

3. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш курсаткичлари ва йуллари.

Асосий ишлаб чиқариш фондлардан фойдаланишнинг умумлашган курсаткичи фонд самарадорлигидир. Фонд самарадорлиги курсаткичи асосий асосий фондлар бирлигига қуп ифодасида ишлаб чиқарган махсулот миқдори билан аникланади. Сугориш ва зах қочириш системалари учун улар унумдорлигининг курсаткичи мелиорация ва кишлок хужалик фондлари бирлигига тугри келадиган кишлок хужалик махсулотининг қийматидир.

$$\Phi_{\text{сам}} = \frac{\text{ЯМ}}{\Phi_{\text{ас и/ч}}} = \frac{\text{сум/сум}}{\text{сум/сум}}$$

Бунда: $\Phi_{\text{сам}}$ - фонд самараси, сум/сум

ЯМК - ялпи махсулот, сум

$\Phi_{\text{ас и/ч}}$ - асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, сум.

Фонд самарасидан ташқари таҳлилда ундан ташқари бўлган фонд сизими ҳам қулланиладики, бу махсулот қиймати бирлигига тугри келадиган ишлаб чиқариш фондлари қийматини характерлайди.

$$\Phi_{\text{сиг}} = \Phi_{\text{ас и/ч}} / \text{ЯМ} = \frac{\text{сум/сум}}{\text{сум/сум}}$$

бунда $\Phi_{\text{сиг}}$ - фонд сизими, сум.

Сув мелиорация хужалиги моддий техника базасининг муттасил усиши ва мустаҳкамланиши шароитида ишчиларнинг асосий фондлар билан таъминланиши - фондлар билан таъминланганлик даражаси курсаткичи катта аҳамият қасб этади.

$$\Phi_{\text{таъм}} = \frac{\Phi_{\text{ас}}}{\text{Х-Мташк}} = \frac{\text{сум/м}^2, \text{га}}{\text{м}^2, \text{га}}$$

бунда: $\Phi_{\text{таъм}}$ - ишчиларнинг фондлар билан таъминланганлик даражаси, сум

$\text{ХМ}_{\text{ташк}}$ - ташкилот хизмат курсатадиган майдон, м², га Фонд билан қуролланганлик даражаси:

$$\Phi_{\text{куп}} = \Phi_{\text{ас}} / \text{ИСу}_{\text{рт}} = \text{сум} / \text{киши бу}$$

ерда: ИСу_{рт} - ходимларнинг уртача йиллик сони, киши

4. Айланма маблаглар таркиби, таркиби ва меъёрлаштирилиши.

Х,ар бир корхонага меъёрий ишлаб чикариш фаолияти олиб бориш учун асосий фондлар билан бирга айланма фондлари (мехнат предметлари) ҳам керак булади. Сув хужалиги ташкилотларининг айланма фондлари икки асосий қисмга-ишлаб чикариш захиралари ва ишлаб чикаришдаги маблагларга булинади.

Айланма фондларнинг биринчи қисми шу билан шартланганки, ишлаб чикаришда катнашадиган мехнат предметлари битта ишлаб чикариш жараёнида сарфланади.

Хом ашё ва материалларнинг ишлаб чикариш захираси жорий, тайёрлов, сугурта ва мавсумий захираларга булинади.

Жорий захира ишлаб чикаришни зарур материаллар билан таъминлашга ва икки сафар етказиб бериш навбатлари уртасидаги даврга мулжалланган булади. Унинг катталиги материалнинг уртача суткалик истеъмоли микдорида ва навбатдаги етказиб беришлар уртасидаги интервалга боғлиқ ҳолда белгиланади.

Тайёрлов захираси ишлаб чикаришга материаллар жунатиш олдидан тайёргарлик операциялари (қабул қилиш, юк тушириш, саралаш, қуриш, комплекташ ва хоказо) утказиш зарурати туфайли вужудга келади.

Сугурта захираси шахобча ва гидротехника иншоотлари авариялари ҳамда таъминотдаги узилишлар ҳолларида материалларга жорий талабдан ортиқ микдорда яратилади. Амалда сугурта захирасининг меъёри материаллар нотекис, етказиб бериш режали муддатларидан жуда кечикиб етказиб берилган ҳолларда жорий захиранинг 50% микдорида белгиланади.

Мавсумий захира етказиб берилиши мавсумий шароитлар (катнов тухтаб қолиши, қузғи ва баҳорги лойгарчилик) туфайли узок танаффуслар билан буладиган материаллардан тузилади.

Айланма фондлари муомала фондлари билан айланма маблагларини ташкил этади. Қурилиш ташкилотларининг айланма маблагларини таркиби ва (%ларда).

1. Айланма ишлаб чикариш фондлари - 76;
 - а) ишлаб чикариш захиралари - 67;
 - б) ишлаб чикаришдаги маблаглар - 9;
2. Муомала фондлари - 24;
 - а) ҳисоблардаги маблаглар - 19;
 - б) пул маблаглари - 5;

Жами айланма маблаглар - 100.

Айланма ва асосий фондлар нисбати сугориш тизимларида 1:1.00 ни, кишлоқ хужалиги корхоналарида 1:1,5 ни, курилиш ташкилотларида 1:0, 75, 1:0,5 ни ташкил этади.

Айланма маблаглар микдори хужалик ҳисобидаги корхоналарда меъёрлаштирилади. Айланма маблаглар меъёрлари узлуксиз ишлаш учун зарур бўлган энг кам захиралардир. Меъёрлар ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот таннархи даражаси ва моддий-техника таъминоти шароитларига боғлиқ ҳолда айланма маблаглари турлари бўйича белгиланади.

Айланма маблаглардан фойдаланиш даражаси иккита курсаткич билан аниқланади:

1) Айланишда бўлишнинг муайян вақт ичида (квартал, йил) айланишлар сонини характерлайдиган коэффициентини (K_o) билан курсатилади.

$$K_o = \text{Авп} / \text{Соб},$$

бунда: Авп - ялпи маҳсулот қиймати, сум.

Соб - айланма маблагларнинг уртача қолдиги, сум.

2) Қўнлардаги бир айланишнинг айланишда бўлиши ёки узунлиги билан (D_o)

$$D_o = T. \text{Сот} / \text{Авп} = T / K_o,$$

бунда: Т - қўнлардаги даврнинг давомийлиги (30, 90, 360).

Айланма маблаглари айланишда бўлишнинг жадаллаштиришнинг асосий йўллари ишлаб чиқариш жараёни давомийлигини камайтириш, қурилиш муддатларини қисқартириш. Айланма маблагларининг меъёрдан ортиқ захиралари бўлишига йўл қўймаслик соқиладиган маҳсулот ва бажарилган ишлар ҳисоб-қитобини уз вақтида қилишдир.

Назорат ва уз-узунини текшириш учун саволлар:

1. Асосий ва айланма фондларни фарқлаш.
2. Асосий ва айланма фондларнинг сув хужалигини ривожлантириш аҳамияти ва тутган урни.
3. Асосий ва айланма фондларни шакллантириш манбалари.
4. Асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскириши.
5. Асосий ва айланма фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи курсаткичлар.
6. Асосий фондларга амортизация ажратмаларини аниқлаш.
7. Асосий ва айланма фондлардан тулик ва самарали фойдаланиш учун қандай масалаларга эътибор берилади.

3- **мавзу: Сув хужалигида мутахассислар, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи.**

(2 соат)

РЕЖА:

1. ***Сув хужалиги учун мутахассислар тайёрлаш.***
2. ***Меҳнат унумдорлиги тушунчаси ва уни оширишнинг аҳамияти.***
3. ***Мелиорация ва сув хужалигида меҳнат унумдорлиги курсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари.***
4. ***Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва йўллари.***

5. Сув хужалигида иш хаки меъёрлари.

Таянч суз ва иборалар:

Кадрлар, меҳнат ресурслари, меҳнат унумдорлиги, жонли меҳнат утмиш меҳнати, меҳнат жараёни, меҳнат унумдорлиги даражаси, иш вақти, сермеҳнатлилик, фан-техника тараққиёти, илмий техника даражаси, фонд билан таъминланганлик даражаси, моддий рағбатлантириш, вақтбай ва ишбай усулда ҳақ тулаш, тариф ставкалари.

1. Сув хужалиги учун мутахассислар тайёрлаш.

Кишилар ва ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи кучлар асосини ташкил этади. Бунда кишилар ишлаб чиқарувчи кучларнинг энг актив қисми ҳисобланади. Улар ишлаб чиқариш тараққиётига ҳал қилувчи таъсир утказадилар, табиий бойликларни узлаштирадилар, янги техника яратадилар ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштирадилар.

Сув хужалиги ишлаб чиқариш ташкилотлари ва корхоналари кадрлари қуйидаги икки гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш ходимлари ва ноишлаб чиқариш ходимлари. Ишлаб чиқариш ходимлари бажариладиган ишлар характериға кура, уз навбатида, қуйидаги категорияларға бўлинади: ишчилар, муҳандис-техник ходимлар (МТХ), хизматчилар, кичик хизматчи ходимлар ва қуриқлаш ходимлари (КХХ).

Ишчилар категориясига ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашувчи ходимлар қиради. МТХ бошқариш, ишлаб чиқаришга ташкилий- режали раҳбарлик функцияларини бажаради. Хизматчиларға ҳисоб, таъминот, сотиш кадрлар танлаш ва хоказо функцияларни бажарувчи ходимлар қиради. КХХ бошқаришга маиший ва техника хизмати қурсатиш билан шугулланади.

Ноишлаб чиқариш соҳаси ходимлари уй-жой коммунал хужалиги, болалар богчалари, клублар, ёрдамчи хужаликларға хизмат қурсатади. Улар ишлаб чиқариш фаолиятиға таалукли бўлмаган ишларни бажаради.

Техника тараққиёти ривожланиб боргани сари сув-мелиорация хужалигида ишлаб чиқариш ходимлари таркиби узгармоқда.

Сув мелиорация ишлаб чиқаришидаги ходимларнинг меҳнат фаолияти уз хусусиятларига эгадир:

-сув-мелиорация хужалигидаги меҳнат шароити ишлаб чиқариш воситаларининг ҳудуд бўйича тарқок жойлашганлиги билан шартлангандир. Бу эса меҳнат жараёнларини анча мураккаблаштиради;

-сув-мелиорация ишлаб чиқаришида меҳнатни фонд билан юкори даражада таъминланганлиги билан ажралиб туради

Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаш ва жой-жойига қуйиш сув хужалигини ташкил этиш ҳамда бошқариш ишларининг энг муҳим қисмидир.

Ёрларни мелиорациялаш ва сув хужалиги корхоналари учун урта малакали ходимлар гидромелиорация коллежларида, шунингдек гидромелиорация бўлимлари бўлган қурилиш ва қишлоқ хужалик коллежларида тайёрланади.

Мелиорация ва сув хужалиги учун олий маълумотли мутахассислар

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида, ТИМИ нинг Нукус филиалида ва «Гидромелиорация» факультети булган Андижон кишлок хужалиги институтида тайёрланади.

2. *Мехнат унумдорлиги тушунчаси ва уни оширишнинг ах^амияти.*

Х,ар бир корхонада махсулот ишлаб чикариш хажмини оширишга ишловчилар сонини купайтириш ва мехнат унумдорлигини оширишдан иборат икки йул билан эришилади. Биринчи холда ишлаб чикариш хажми ва истеъмол бевосита пропорционал ушиб боради. Иккинчи холда ишлаб чикаришнинг ушиби истеъмолдан ушиб кетади, бу эса ишлаб чикариш^{ни} кенгайтиришга ва халк фаравонлигини оширишга сарфланадиган резерв фондининг тулиб боришига олиб келади. Иш кучи танкис булган шароитда мехнат унумдорлигини устириш-махсулот ишлаб чикариш^{ни} купайтириш^{нинг} асосий омилидир.

Мехнат унумдорлиги аник мехнатнинг вакт бирлигида моддий неъматлар муайян микдорини ишлаб чикариш кобилиятидир.

Мехнат унумдорлиги даражаси махсулот (иш) бирлигини ишлаб чикаришга сарфланган иш вакти микдори билан улчанади.

Иктисодий категория булган мехнат унумдорлиги ишлаб чикариш хажми билан мехнат сарфи уртасидаги алокани тавсифлайди. Бу нисбатни куйидаги формулаларда ифодалаш мумкин:

$$МУ = ММ / Т \text{ ёки } Тсер = Т / ММ$$

бунда: В-мехнат унумдорлиги;

Тсер-махсулот бирлигига сарфланган мехнат (сермехнатлилик);

ММ-ишлаб чикарилган махсулот микдори;

Т-махсулот ишлаб чикаришга кетган вакт.

Иш вакти бирлигида махсулот канча куп ишлаб чикарилган булса, мехнат унумдорлиги шунча юкори булади.

Махсулот ишлаб чикаришга жонли мехнатгина эмас, балки ишлаб чикариш воситаларида буюмлашган утмиш мехнат хам сарфланади. Шунинг учун ижтимоий (жами) мехнат унумдорлиги куйидагича ифодаланиши мумкин.

Ишлаб чикаришни механизациялаш даражалари турлича булганда мехнат сарфи таркибининг узгариши

Курсаткичлар	Механизац ия-лашгача	Механизация- лашнинг биринчи боскичи	Механизация- лашнинг иккинчи боскичи
Жами мехнат сарфи бирлик	100	100	100
шу жумладан: - жонли	80	60	30
- аввалги	20	40	70
Махсулот ишлаб чикарилди, бирлик	100	125	200
Махсулот бирлигига мехнат сарфи,	1	0,8	0,5
бирлик	0,8	0,48	0,15
Шу жумладан:			
- жонли	0,2	0,32	0,35
- аввалги	80	60	30
Жонли мехнат улуши, %	20	40	70
Аввалги мехнат улуши, %	100	125	200
Ижтимоий мехнат унумдорлиги, %			

$T_{ж} + T_{авв}$

бунда: $T_{ж}$ - жонли мехнат микдори.

$T_{авв}$ - утмиш (буюмлашган) мехнат микдори.

Ер ва бетон ишлари сув хужалиги курилишидаги ишларининг асосий турларидир. Сугориш тизимларини куришда. ер ишларига курилиш бутун кийматининг 40%идан купроги, бетон ишларига эса 45% гачаси тугри келади.

Мехнат унумдорлигининг тухтовсиз ошиб бориши, хар кандай ижтимоий тараккиётнинг асосини ташкил этади, иктисодий конун шаклида намоён буладиган объектив конуният хисобланади. Мехнатнинг жами сарфи нуктаи назаридан мехнат унумдорлигининг усиши айна вақтда махсулот таннархи пасайишини хам билдиради.

3. Мелиорация ва сув хужалигида мехнат унумдорлиги курсаткичлари ва уларни аниклаш усуллари.

Иш вакти бирлигида махсулот (иш) ишлаб чикариш мехнат унумдорлиги даражасининг асосий курсаткичи хисобланади. Соат, кун, йил, иш вакти курсаткичи булиши мумкин. Мехнат унумдорлиги, тегишли равишда, соатлик (киши соатига), кунлик (киши кунига) ва йиллик (уртача

йиллик ходимиға) этиб ҳисоблаб чиқилади. Сермехнатлилик маҳсулот ёки иш бирлигига киши соатларида улчанади.

Мехнат унумдорлиги ўсишининг ва маҳсулот (иш) сермехнатлилиги пасайишининг курсаткичлари ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Бу курсаткичлар нисбатини қуйидаги $AP_m - 100$ формулалардан қуриш
мумкин: $100 - AP_m$ ва

Ўсиш фоизи MU

пасайиш фоизи $T_{ce}P$

бунда: AP_t - маҳсулот (иш) сермехнатлигининг базис давридагига нисбатан пасайиши, %;

AP_v - ишлаб чиқаришнинг базис давридагига нисбатан усиши %.

Сугоришдаги меҳнат унумдорлиги сугориш усули ва техникасига боглиқ булади. Юзаки сугоришда ишлаб чиқариш куп даражали бир сугорувчига бериладиган сув сугориш оқими билан белгиланади. Сувчининг сменали меҳнат унумдорлиги куйидаги боглиқ холда белгиланади.

$$MU_{cm} = \frac{3,6 t \cdot g \cdot K_{cm}}{m - P} \cdot \frac{AP_v - 100}{100 + AP_v}$$

бунда: MU_{cm} -сменали меҳнат

унумдорлиги, га; t -смена давомилиги, с;

g -сугориш оқими (сарфи) 1 сугорувчига, л/с; K_{cm} -

смена иш вақтидан фойдаланиш коэффиценти;

3

ш-сугориш меъёри м га ;

P -сугорув сувининг ташлашга, шимилишга ва бугланишга кетишни хисобловчи коэффиценти (1, 1-1,2)

Сувчининг суткалик меҳнат унумдорлиги - $MU_{сут}$ сут/га куйидагини ташкил этади.

$$MU_{сут} = MU_{cm} \cdot n,$$

бунда: n -суткадаги иш сменалари сони.

Сувчининг мавсумдаги меҳнат унумдорлиги ($MU_{мав}$)га куйидагича аникланади.

$$MU_{мав} = MU_{сут} \cdot T_{с.у.}$$

Бунда: $T_{с.у.}$ -сугоришлар уртасидаги даврнинг энг киска давомилиги.

Кишлоқ хужалиги экинларини сугориш, сугориладиган дехкончиликдаги сермехнат жараёнларидан биридир. Шу сабабли хосилдорликни ошириш ва меҳнат сарфини камайитиш мақсадида сугоришни механизациялаш ва автоматлаштириш сугорма дехкончиликдаги асосий вазифалардан бири хисобланади. Кенг камровли агрегатлар ишлатилиб, ёмгирлатиб сугориш майдонлари йилдан-йилга купайиб бормокда.

Ёмгирлатиб сугориш машинаси ёки курилмасининг соатли иш унумдорлиги куйидаги формула буйича аникланади.

$$IU = \frac{3,6 \cdot Q}{m \cdot p}, m \cdot p$$

бунда: Q -машина ёки курилмада сув бериш, л / с;

m - сугориш меъёри, м / га ;

p -ёмгирлатиб сугоришда сувнинг бугланишдан камайиши хисобининг коэффиценти (1,10-1,25);

Ёмгирлатиш машинаси ёки курилмасининг сменада гектар юзасидан ишлаб чиқариши куйидагини ташкил этади.

$$III \ 3,6 tCM \cdot K_{cm}$$

$$ИУ_{см} = \frac{m \cdot p}{t} ,$$

бунда: 1:см-смена узунлиги, с;

Ксм-смена иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти (0,70-0,90); Суткадаги сугориладиган майдон куйидаги ташкил этади:

$ИУ_{сут} = ИУ_{см} \times T \times n$, бунда: n-сутка ичида машина ёки курилма иши сменалари сони. дон Мавсумда сугориладиган майдон машина ҳисобида куйидаги формула бўйича аникланади:

$$МУ_{мав} = МУ_{сут} \cdot T_m / n$$

4. Мехнат унумдорлигини ошириш омиллари ва йуллари.

Сув ва кишлок хужаликда МУни ошириш куп омилларга боглик мураккаб муаммодир. МУни устириш омилларини куйидаги 5 гуруҳга булиши мумкин: моддий - техника, ташкилий, иктисодий ижтимоий ва табиий. МУоширишнинг барча омиллари узаро чамбарчас богликдир. МУ агар барча унга комплекс таъсир утказса, тез суръатлар билан ушиб боради. Бу омилларнинг тахлил килиш ва урганиш осон бўлсин учунгина куриб чиқиш мумкин.

МУнинг оширишнинг моддий - техника омилларига:

- 1) мелиорация системалари ва иншоотларнинг техника даражасини ошириш;
- 2) ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, автоматлаштириш ва компьютерлаштириш;
- 3) машиналар айрим кувватини ошириш;
- 4) мехнатни энергия билан куруланишини устириш киради.

Мехнат унумдорлиги усиши учун ташкилий омиллар ҳам катта аҳамиятга эга. Уларга:

- а) ишлаб чиқаришни оптимал жамлаш ихтисослаш;
- б) мехнатни ташкил этишни такомиллаштириш ва мехнатни илмий ташкил этишни жорий килиш;
- в) ишлаб чиқариш ва мехнат интизомини мустаҳкамлаш киради.

Мехнат унумдорлиги даражаси мехнатни илмий ташкил этишга богликдир.

Мелиорация ишларини ташкил этишни жорий килиш тажрибаси мехнатни энг оқилона усулларини танглаш асосида мехнатни жараёнларини такомиллаштириб, ундан унумдорлиги анча ошишига эришиши имконини курсатади.

Мехнат унумдорлиги усушига:

- мехнатни меёрлаш ва унга ҳақ тулашни такомиллаштирилиши;
- моддий меёрлаш ва уни ҳақ тулашни ҳақлиги.
- моддий рағбатлантириш моҳиятини тугри кулланиш сингари иктисодий омиллар ҳам таъсир курсатади.
-

5. Сув хужалигида иш %аи меёрлари.

Иктисодиётни ривожлантиришда иш ҳақи энг муҳим урин ажратилди. Иш ҳақи миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, ходимлар уртасида мехнат миқдори ва сифатига қараб тақсимланади. Иш ҳақи сув хужалик ҳожимлари

даромадининг асосий манбаидир. Корхонадаги иш хаки шундай ташкил килиниши керакки, токи у ишлаб чиқариш томонлама юксалишига, меҳнат унумдорлигига муттасил ушиб боришига ёрдам беради.

Иш хакини оқилона ташкил этиш асосини қуйидаги тамойилларни ташкил этади: меҳнат миқдори ва сифатига қараб ҳақ тулаш, реал иш хаки мутасил ушиб боришини таъминлаш, иш хаки ушиб ва меҳнат унумдорлиги уртасидаги тугри нисбат, моддий манфаатдорлик меҳнатга ҳақ тулашни тугри ташкил этиш, шахсий ва ижтимоий моддий манфаатдорликнинг уйғунлашувини таъминлайди.

Таъриф системасига таъриф малака маълумотномалари, таъриф сеткалари ва таъриф ставкалари қиради. Таъриф малака маълумотларидан ишчилар касблари руйхати, ишчиларнинг разрядли сетка бўйича тавсифномаси, ишчи нималарни билиши кераклиги курсатилади. Таъриф системасининг иккинчи элементи таъриф сеткаси бўлиб, у турли разрядлардаги ишчилар иш хаки даражасини белгилашга мувофиқ келидиган таъриф коэффициентлари келтирилган.

Таъриф системасининг учинчи элементи таъриф ставкаларидир. Таъриф ставкалари ишбай ҳақ тулашда бир меёр учун ёки вақтбай ҳақ тулашда вақт бирлиги ичида мажбуриятларнинг муайян доираси учун меҳнат хаки даражасини белгилайди.

Ишчиларнинг иш хаки даражасини ҳам меҳнатга ҳақ тулаш шакли ва системаларига боғлиқ бўлади. Кишлоқ ва сув хўжалик корхоналари ва ташкилотларида меҳнатга ҳақ тулашнинг икки шакли қўлланилади: ишбай ҳамда вақтбай шакллар. Меҳнатга ишбай ҳақ тулаш шаклида даромад ишлаб чиқарган маҳсулот ёки бажарилган иш миқдорига қўра, вақтбай ҳақ тулаш шаклида эса, ишланган вақт миқдорига қўра аниқланади. Меҳнатга ҳақ тулашнинг ишбай шакли меҳнатни миқдорини қўра аниқлай олинганда қўлланилади. Вақтбай ҳақ тулаш ишлаб чиқариш меёрлари белгилаш қийин ва мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолатларда қўлланилади. Меҳнатга вақтбай ҳақ тулаш бошқариш, машина ва механизмларга, хизмат қўратиш, техника сўғориш системаларини таъминлаш ходимларга жорий қилинади.

Фан техника тараккиёти шароитида меҳнатга ҳақ тулаш ишбай шакли соҳасининг қисқариши ва вақтбай ҳақ тулашнинг қўлланиш соҳасининг қўпайиши содир бўлмоқда. Меҳнатга вақтбай ҳақ тулаш оддий ва вақтбай муқофотли бўлиши мумкин. Вақтбай муқофотли ҳақ тулаш даврий иш хакидан ташқари система белгиланган миқдор ва сифат қўраткичлари бажарилганлиги учун қўшимча муқофот қўланаши ҳам қўзда тутилади. Меҳнатга вақтбай ҳақ тулаш шаклида иш ҳақига тегишли разрядларни соатли таъриф ставкалари ёки маошлар ва ишлаб берилган вақт миқдори асосида берилади.

Назорат ва уз-узун текшириш учун саволлар:

1. Сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш.
2. «Миллий кадрлар тайёрлаш» дастури хақида тушунча.
3. Меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш.

4. Мехнат унумдорлиги тушунчаси ва уни оширишнинг ахамияти.
5. Жонли ва утмиш мехнат хакида.
6. Мехнат унумдорлиги курсаткичлари ва уларни аниклаш услублари.
7. Мехнат унумдорлигини ошириш омиллари хакида.
8. Сув хужалигида мехнатга ҳақ тулаш тартиби.
9. Мехнатга ҳақ тулаш бўйича қабул қилинган разрядлар хакида тушунча.

4- мавзу: Етказиб берилган сувнинг таннархи, бахоси ва бахонинг

ташқил топиши. (2 соат)

РЕЖА:

1. ***Бахонинг иктисодий моҳияти.***
2. ***Ишлаб чиқариш чикимлари ва таннарх турлари.***
3. ***Хужаликлараро сугориш тизимлари сувини ишлатиш чикимлари ва таннархи.***
4. ***Ички сугориш тизимларининг эксплуатацион чикимлари ва гектар сугориш таннархи.***
5. ***Сув - мелиорация ишлаб чиқариш таннархини камаййтириш тадбирлари.***

Таянч суз ва иборалар:

Баҳо, нарх-наво, харажат, таннарх, фойда, рентабеллик, ишлаб чиқариш чикимлари, эксплуатация чикимлари, калькуляция, ирригация тизимлари хавзавий бошкармаси, магистрал каналлар, хужаликлараро каналлар, ички сугориш шаҳобчаси, сув таъминоти, жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари, смета қиймати, бевосита ва билвосита харажатлар, хизмат курсатиш харажатлари, устама харажатлар, сугориш тизимининг фойдали иш коэффициенти.

1. Бахонинг иктисодий моҳияти.

Баҳо - бу маҳсулот қийматини пул орқали ифодаланиши, яъни шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган ижтимоий-зарурий харажатлар. Баҳо давлат қулидаги иктисодни бошқарувчи энг муҳим омилдир.

Баҳони рағбатлантириш маҳсулот сифатини ошириш билан, ишлаб чиқариш имкониятларидан тулик фойдаланиш билан, маҳсулот таннархини камаййтириш билан, қишлоқ хужалиги қорхоналарини тула ихтисослаштириш ва уларни иктисодиётини мустаҳкамлаш билан юзага чиқади.

Маҳсулот баҳосида факат унинг қийматигина акс этмасдан, балки маҳсулот алмаштириш шартлари, яъни сотувчи ва харидор орасидаги талаб эҳтиёж муносабатлари ҳам акс этади. Шунинг учун нарх-наво қийматнинг юзага чиқиш шакли бўлиб қолади.

Баҳоларда фарқ қанчалик кўп бўлса, улар шунча кўп вазифаларини бажарадилар. Шу муносабатлар билан қишлоқ хужалиги маҳсулотлари баҳоларини ҳудудлар ичидаги табақаланиши катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хужалиги маҳсулотларининг ҳудудий баҳоси асосида унинг таннархи ётади.

Махсулот сифатини ҳисобга олиш бахони далиллар билан иктисодий асослашга ёрдам беради.

Сабзавот ва меваларга куйиладиган баҳолар уларнинг сотилиш муддатига қараб фарқ қилинади. Кишлоқ хужалиги махсулотларининг хусусиятларига қараб, уларнинг нарҳини белгилашнинг асосий принциплари ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилар:

а) кишлоқ хужалиги махсулотларининг нарҳи кишлоқ хужалигининг барча ҳудудлар ва туманларида кишлоқ хужалигининг барча корхоналари томонидан, бу махсулотларни уртача шарт-шароитларда ишлаб чиқаришга кетган харажатларни коплаш ва хужаликни бошқариш учун зарур бўлган ижтимоий зарурий харажатларнинг урнини тулдириш ҳамда зарур бўлган соф фойдани олишга қараб белгиланиши керак;

б) кишлоқ хужалиги махсулотларининг баҳоси ҳар хил туманларда ҳар хил табиий иктисодий шароитларда ишлаб чиқаришга қараб ва кишлоқ хужалик ташкилотлари томонидан сотилиш шартларини тенглаштиришга қараб табакаларга ажралиши керак;

в) баҳолар вужудга келтирилган соф фойдани қайта таксимлашнинг иктисодий дастаги вазифасини бажариши керак.

Хужаликларда баҳолар қуйидаги вазифаларни бажаради: ҳисобот, рағбатлантириш, қайта таксимлаш.

Баҳони ҳисобга олиш вазифаси шундан иборатки, бунда кишлоқ хужалиги махсулотни ишлаб чиқаришда кетган жонли ва ижтимоий меҳнат харажатларини узида ифода этиши керак.

Баҳоларнинг рағбатлантириш вазифаси шундан иборатки, бунда баҳолар орқали хужалик давлат буюртмасини амалга оширадиган ҳамма тармоқларни ривожлантириш учун зарур бўлган даромадларни олади.

2. Ишлаб чиқариш қиёмлари ва таннарх турлари.

Баҳо - бу махсулот қийматини пул орқали ифодаланиши, яъни шу махсулотни ишлаб чиқариш учун кетган ижтимоий-зарурий харажатлар. Баҳо давлат қулидаги иктисодни бошқарувчи энг муҳим омилдир.

Баҳони рағбатлантириш махсулот сифатини ошириш билан, ишлаб чиқариш имкониятларидан тулик фойдаланиш билан, махсулот таннарҳини қамайтириш билан, кишлоқ хужалиги корхоналарини тула ихтисослаштириш ва уларни иктисодиётини мустаҳкамлаш билан юзага чиқади.

Махсулот баҳосида факат унинг қийматигина акс этмасдан, балки махсулот алмаштириш шартлари, яъни сотувчи ва харидор орасидаги талаб эҳтиёж муносабатлари ҳам акс этади. Шунинг учун нарх-наво қийматнинг юзага чиқиш шакли бўлиб қолади.

Баҳоларда фарқ қанчалик қўп бўлса, улар шунча қўп вазифаларини бажарадилар. Шу муносабатлар билан кишлоқ хужалиги махсулотлари баҳоларини ҳудудлар ичидаги табақаланиши қатта аҳамиятга эга. Кишлоқ хужалиги махсулотларининг ҳудудий баҳоси асосида унинг таннарҳи ётади. Махсулот сифатини ҳисобга олиш баҳони далиллар билан иктисодий

асослашга ёрдам беради.

Сабзавот ва меваларга куйиладиган баҳолар уларнинг сотилиш муддатига қараб фарк қилинади. Кишлоқ хужалиги маҳсулотларининг хусусиятларига қараб, уларнинг нарҳини белгилашнинг асосий принциплари ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилар:

а) кишлоқ хужалиги маҳсулотларининг нарҳи кишлоқ хужалигининг барча ҳудудлар ва туманларида кишлоқ хужалигининг барча корхоналари томонидан, бу маҳсулотларни уртача шарт-шароитларда ишлаб чиқаришга кетган харажатларни коплаш ва хужаликни бошқариш учун зарур бўлган ижтимоий зарурий харажатларнинг урнини тулдириш хамда зарур бўлган соф фойдани олишга қараб белгиланиши керак;

б) кишлоқ хужалиги маҳсулотларининг баҳоси ҳар хил туманларда ҳар хил табиий иқтисодий шароитларда ишлаб чиқаришга қараб ва кишлоқ хужалик ташкилотлари томонидан сотилиш шартларини тенглаштиришга қараб табақаларга ажралиши керак;

в) баҳолар вужудга келтирилган соф фойдани қайта тақсимлашнинг иқтисодий дастаги вазифасини бажариши керак.

Хужаликларда баҳолар қуйидаги вазифаларни бажаради: ҳисобот, рағбатлантириш, қайта тақсимлаш.

Баҳони ҳисобга олиш вазифаси шундан иборатки, бунда кишлоқ хужалиги маҳсулотни ишлаб чиқаришда кетган жонли ва ижтимоий меҳнат харажатларини ўзида ифода этиши керак.

Баҳоларнинг рағбатлантириш вазифаси шундан иборатки, бунда баҳолар орқали хужалик давлат буюртмасини амалга оширадиган ҳамма тармоқларни ривожлантириш учун зарур бўлган даромадларни олади.

Маҳсулот таннарҳи мазкур маҳсулот қисми қийматининг пулли ифодаси бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари сарфларини ва меҳнат ҳақини ўз ичига олади. Таннарҳ ишлаб чиқаришнинг сарфланган воситаларида мужассамланган аввалги меҳнат сарфларидан ва жонли меҳнатнинг ўзи учун маҳсулот яратадиган қисмидан ҳосил бўлади. Таннарҳ маҳсулотнинг жамият учун меҳнат билан яратилган қийматидан камдир.

Таннарҳ энг муҳим иқтисодий курсаткичдир. У аниқ корхона учун меҳнатнинг пул шаклидаги барча сарфларини ҳамда маҳсулот ёки иш бирлигига киритилган ишлаб чиқариш воситаларини намоён қилади, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш қанчага тушушини курсатади.

Маҳсулот бирлигининг таннарҳи ишлаб чиқариш чиқимларининг ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига нисбати сифатида аниқланади. Корхонанинг вақт (смена, ой, йил) муайян даври ичида бутун ишларнинг бутун ҳажминини бажаришга қилинган сарфларни тафсиқлаш учун "ишлаб чиқариш чиқимлари" термини қулланилади.

Таҳлил мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ ҳамда таннарҳнинг бир неча тури фарқланади.

Сарфлар тақсифига қура ишлаб чиқариш таннарҳи ва тула таннарҳ

ажратилади. Ишлаб чиқариш таннархига махсулот ишлаб чиқариш ва уни сақлаш жойига ташиб келтириш билан боғлиқ барча сарфлар киритилади. Тула таннархга ишлаб чиқариш таннархи ва махсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ қушимча харажатлар (ташиш, сақлаш харажатлари, йукотишлар ва хоказо) киради.

Ишлаб чиқариш миқёсига қура индивидуал таннарх ва тармок (еки ижтимоий) таннарх фаркланади. Индивидуал таннарх-махсулот ишлаб чиқаришга корхона қилган сарфлардир. Тармок таннархи тармок корхоналари бўйича махсулот бирлиги ишлаб чиқаришга қилинган сарфлар уртача даражасини ифодалайди.

Ишлаб чиқаришдаги аҳамиятига қура таннарх режали ва ҳақиқатдаги (хисобот) таннархга бўлинади.

Режали таннарх меъёрлар бўйича, хисобот таннархи эса корхонанинг ҳақиқатдаги сарфлари бўйича хисоблаб чиқилади. Режали ва ҳақиқатдаги таннархлар индивидуал ва тармок, ишлаб чиқариш ва тула таннарх қурилишида бўлиши мумкин.

Сарфларни моддалар бўйича гуруҳлаш асосида харажатлар иқтисодий мазмунининг белгиси ташкил этади. Моддама-модда сарфлар уларни қаерда қилинганлиги ва махсулотнинг қайси турига тааллуқлиги бўлишидан қатъий назар барча сарфларни бирлаштиради. Моддалар бўйича гуруҳлашда сув хужалиги корхоналарнинг сарфлари 4 гуруҳга бўлинади: иш ҳақи, материаллар, хом ашё, ёнилғи, электр энергияси, амортизация, бошқа пул сарфлари.

Сув мелиорация хужалигида берилган сувнинг 1 м³ и, сугориладиган майдоннинг 1 гектари, ер ишлари ва бошқа механизацияланган ишларнинг 1000 м³ и, сугорма дехкончиликда эса кишлоқ хужалиги махсулотларининг 1 центнери калькуляцияланади.

3. Хужаликлараро сугориш тизимлари сувини ишлатиш чикимлари ва таннархи.

Сарфларни хисобга олишнинг мавжуд тартибида ҳамда сугориладиган ерлардан олинган кишлоқ хужалиги махсулотларини таннархини хисоблашда хужаликлараро шахобчасини сақлаш харажатлари кишлоқ хужалиги ишлаб чиқариши чикимларида акс эттирилмайди. К/СХТ харажатлари бюджет маблағлари хисобидан қопланади.

Сув хужалиги ташкилотларининг харажатлари мазмуни, ҳажмлари ва таркибига қура уз хусусиятларига эгадир. Сув мелиорация хужалигининг хусусияти-асосий фондларининг баланс қийматидир, бинобарин ишлаб чиқариш чикимларидаги амортизация ишлатмалари улушининг баландлиги. Лекин тизим бюджет йули билан молиялаштирилса, давлат хужаликлараро тизимларида амортизация ажратмалари қилинмайди. Амортизация ажратмаларисиз ишлатиш чикимлари тизимда амортизация хисобга олинган суммага нисбатан тахминан 40-50% қамайтирилган бўлади.

Ўзбекистон кишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги тизимига қирадиган

тизимларини ишлатадиган бошкармалар ва бошка эксплуатацион сув хужалиги ташкилотларида сарфларни режалаштириш ва ҳисобга олиш капитал таъмирлаш эксплуатацион харажатлари ҳамда сарфлари курсатиладиган ягона шакл буйича олиб борилади.

Сугориш тизимларида сугориш манбаидан олинган сувнинг 1 м и таннархи, хужалик чеклари нукталарида берилган 1 м³ таннархи сугориладиган майдон 1 гектари ҳисобидаги сувнинг таннархи калькуляцияланади.

Мелиорация тизимларини ишлатиш буйича куп ишлар мавсумий характерда булгани учун сув таннархини факат йил охиридагина аниклаб булади. 1 м³ сувнинг таннархи сугориш тизими йиллик эксплуатацион сарфлар суммасининг (Имх) хужалик чек (W) нуктасида берилган сув хажмига нисбати сифатида аникланади.

$$C = \text{Имх} / W.$$

Хдвзавий бошкармалар ва ирригация тизимлари эксплуатацион штатини саклаш моддасида харажатларнинг асосий улуши штат ходимларининг асосий ва кушимча. иш хакига тугри келади. Сугориш тизимларидаги штат ходимлари сони хар 1000 гектар ер майдонига 3 -6 кишини ташкил этади.

Сугориш тизимларини ишлатишнинг хакикатдаги сарфларининг уртача 20% и капитал таъмирлаш харажатларидир. Лекин айрим К/СХТ лар буйича улар 7% идан 40% гача булган доирасида тебратиб туради.

4. Ички сугориш тизимларининг эксплуатацион чикимлари ва гектар сугориш таннархи.

Ички хужалик мелиорация тизимлари сувдан фойдаланувчи хужаликлар маблаглари ҳисобига сакланади. Ички хужалик сугориш тизимларини ишлатиш ва кишлок хужалиги экинларини сугориш харажатларига ҳам ягона чикимлар сифатида, ҳам сарфлар мустакил турлари сифатида куйилган махсадга боглик холда караш мумкин.

Хужаликлардаги гектар сугоришнинг хакикатдаги таннархи эса бевосита сугоришлар утказиш билангина боглик сарфлар буйича ҳисоблаб чикилади. Улар экинларга ишлов бериш технологик карталарида ҳисобга олинади. Ички хужалик сугориш шахобчасини ишлатиш харажатлари (ходимларнинг мелиорация шахобчасини саклаш ва тозалаш буйича иш хаки гидротехника иншоотларини ишлатишда фойдаланиладиган двигателлар ишига сарфланган ёнилги ва мойлаш материаллари, гидротехника ва бошка иншоотлар амортизацияси ва жорий таъмирлаши) "Сугориш буйича таксимланадиган сарфлар" комплекс моддаси буйича таксимланувчи сарфлар сифатида ҳисобга олинади. Улар утказилган гектар сугоришларга мутаносиб холда сугориш таннархига киритилади.

Бир гектарнинг сугориш таннархи (C) иш бирлиги сифатида калькуляцияланади.

$$C = \text{Ивх} / P_{\text{га}} / \text{пол},$$

бунда: Ивх-ички хужалик сугориш шахобчасини ишлатиш, сугоришлар утказиш сарфлари, сум.

Ғ га пол-мавсумдаги гектар сугоришлар га пол.

Турли экинларни сугориш меъёрлари турлича булганлигидан сугориш техникаси иши таккослана олиши учун шартли гектар сугориш кабул килинади. 1 гектар сугориш меъёри етакчи экин учун кабул килинган меъёрдир. Республика вилоятларида сугориш меъёри бошқоқли дон экинлари учун 1000 м³, пахта, сабзавот ва бошқа сувга талабчан экин учун 1500-2000 м³ килиб белгиланган.

Ишлаб чиқариш маълумотларининг курсатишича, сугориш таннархи даражасининг кулланиладиган сугорувчи, ёмғирлатувчи машина ва агрегатлар типига бирон бир боғлиқлиги йукдир. Гектар сугориш таннархи тизимлар ва хужаликлар буйича хужаликларда эса йиллар буйича тебраниб туради. Бу аввало сугориш техникасидан фойдаланиш даражасига боғлиқдир.

5. Сув - мелиорация ишлаб чиқариш таннархини камайитириш тадбирлари.

Самарадорликни аниқлашда бир катор услублардан фойдаланиб келмоқдамиз. Сугориш тизимининг фойдали иш коэффициенти куйидаги формула келтирилган.

$$\Phi ИКт = \frac{W_d}{W_M},$$

бунда: $\Phi ИКт$ -сугориш тизими η_0 ' фойдали иш коэффициенти.

$W^\wedge$ -сугориладиган далага етказилган сувнинг хажми.

W_M -манбада сугориш учун олинган сувнинг хажми.

Сувдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда факат хужаликлараро ва ички хужалик каналларида йукотилган сувни аниқлаш

билан чегараланадиган булсак, сувдан фойдаланиш самарадорлигини тулик аниқлай олмаймиз. Бизнинг фикримизча, йукотилган сувнинг умумий хажмини аниқлашда куйидаги формула кўпроқ мос келади.

$$\frac{W_M}{\Phi ИКт}$$

бунда: $\Phi ИКт$ -тизими буйича сувдан фойдаланиш коэффициенти.

W -сугориладиган майдон, га.

$\Phi И$ -фойдали истеъмол килинган сув, м³.

W_M -манбадан олинган сувнинг хажми, м³.

Бевосита сугориладиган даланинг сувдан фойдаланиши коэффициенти эса ($\Phi КД$) куйидаги формуладан фойдаланиб аниқлашни тавсия киламиз.

$$\Phi КД = \frac{W * \Phi И}{W * \Phi ИКт}$$

Сувни манбаларда ташкил қилиш билан боғлиқ булган харажатларни алоҳида ҳисобга олиб, манбада ташкил қилинган сувнинг таннархини аниқлаш керак.

Т- $\frac{1}{3} \frac{M_{тх}}{W_M}$, $\frac{1}{3} \frac{1}{3}$

Бунда 1 м с.т = ----- ёки 1 м с.т = бир м сувнинг таннархи, сум,

Мт.х-манбада ташкил килинган сувнинг хажми билан боглик булган харажатларнинг хажми, сум; W_m -манбада ташкил килинган сувнинг хажми м .

2. Сувни хужаликлар чегарасигача етказиб бериш билан боглик харажатлардан келиб чикиб, сувнинг етказиб бериш таннархини алохида хисоблаш керак. Бунда $1 \text{ м с.е} = \frac{E_x}{W_e}$ — яъни 1 м с.е -бир м сувни хужаликлар

чегарасигача етказиб бериш таннархи, сум, тийин.

E_x -сувни хужаликларгача етказиб бериш харажатлари, сум, тийин.

W_e -хужалик чегарасигача етказиб берилган сувнинг хажми, м

3. Хужаликлар ичида сугоришни ташкил этиш таннархини ҳам хисобга

$1 \text{ м с.с.т.} = \frac{C_x}{3}$ — яъни бир м сугориш сувининг

таннархи, сум, тийин.

C_x -сугориш билан боглик булган харажатлар сум, тийин.

Х,ар учала турдаги харажатлардан келиб чикиб аниқланган сув таннархларини кушиб тизим буйича бир м^3 сугориш сувининг таннархи

аникланади. Бунда $1 \text{ м с.т.т} = 1 \text{ м с.т.} + 1 \text{ м с.с.т.}$

Агарда мазкур формуладан фойдаланиб сугориш тизими буйича бир м сувнинг тулик таннархини аниқлай олсак, сув ресурсларининг иктисодий баҳосини топиш йулидаги биринчи кадамни куйган буламиз. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш буйича хал қилишни лозим булган навбатдаги масала хар бир м сарф килинган сувнинг махсулот бериш имконини аниқлашдир. Буни амалга ошириш учун биз куйидаги услубларни таклиф қиламиз.

$$1) 1 \text{ м с.с.} = \frac{Y_{mk}}{m},$$

бунда: $1 \text{ м с.с.} = \text{бир м сувнинг самарадорлигини ялпи махсулот}$

қиймати орқали, сум.

Y_{mk} -ялпи махсулот қиймати, сум

m -манбадан олинган сувнинг хажми, м .

$$2) 1 \text{ м с.с.д.} = \frac{W}{m}$$

бунда: 1 м с.с.д. - м сувнинг самарадорлигини ялпи даромад орқали, сум

3

м сувнинг самарадорли

Y_d - ялпи даромад сум

$$3) 1 \text{ м}^3 \text{ с.с.ф.} = \frac{W_m}{3}$$

бунда: 1 м с.с.ф. -бир м сувнинг самарадорлиги соф фойда хисобиға сум.
Сф-соф фойда.

Юкорида келтирилган сувдан фойдаланиш коэффиценти, бир м сувга сарфланадиган ташкилий, транспорт харажатлари ва хужаликнинг узида сугориш учун килинадиган харажатларни ҳамда хар бир м³ сувдан олинадиган самарани хисобга олиб унинг иктисодий бахосини куйидагича аниклашни таклиф киламиз.

$$I \text{ м с.и.б} = X_m + X_e + C_x + \Phi_m + EK\Phi_o,$$

бунда: X_m -сувни бирламчи манбада ташкил килиш билан боглик булган давлат харажатлари.

X_e -сувнинг харажатлар чегарасига етказиб бериш учун сарфланадиган давлат харажатлари.

C_x -хужалик худудида сугориш билан боглик булган ички хужалик харажатлари.

Φ_m -сув хужалик ташкилотлари олиши мумкин булган меъёрий фойда.

E -асосий фондлар кийматига пропорционал равишда олиниси зарур булган меъёрий фойда.

K -фойда сигимини хисобга олувчи коэффиценти.

Φ_o -махсулот бирлигига тугри келадиган асосий ва айланма фондларнинг киймати.

Назорат ва уз-узини текшириш учун саволлар:

1. Бахонинг ахамияти ва мохияти.
2. Бахо белгилаш услублари.
3. Махсулот таннархи турлари ва уларни аниклаш услублари.
4. Ишлаб чиқариш чикимлари ва уларнинг турлари.
5. Ирригация тизимлари хавза бошкармаларининг эксплуатация харажатлари, уларнинг турлари.
6. Ички хужалик ирригация шабоначаларини ишлатиш харажатлари.
7. Сув таъминоти тизимининг йиллик ишлатиш харажатлари.
8. Эксплуатация харажатларини камайитиш омиллари.
9. Сувдан фойдаланиш самарадорлигини аниклаш услублари.

6- мавзу: Сув хужалиги ва мелиорация тадбирларига капитал қуйилмалар иктисодий самарадорлиги. (2 соат)

РЕЖА:

1. *Мелиорацияга капитал қуйилмалар иктисодий самарадорлигини аниклаш хусусиятлари.*
2. *Капитал қуйилмалар умумий (мутлок) иктисодий самарадорлигининг курсаткичлари*
3. *Капитал қуйилмаларнинг нисбий иктисодий самарадорлик курсаткичлари ва вақт омилининг хисоби.*
4. *Ерлар мелиорацияси иктисодий самарадорлигини аникдаш.*
5. *Гидромелиорация тизимларини реконструкциялаш иктисодий самарадорлигини аниклаш усуллари.*
6. *Сугориш техникасини иктисодий бахрлаш.*

7. Цишлок хужалик сув таъминоти иктисодий самарадорлигини аниклаш.

Таянч суз ва иборалар:

Капитал куйилмалар, мелиорация, самара, самарадорлик, курилиш лаги, узлаштириш лаги, капитал куйилмаларнинг узини-узи коплаш муддати, иктисодий самарадорлик коэффиценти, келтирилган сарфлар, ишлаб чиқариш чикимлари, соф даромад, соф фойда, рентабеллик даражаси, мелиорация тизими, реконструкция, фойдали иш коэффиценти, коллектор, зовур ирригация иншоотлари, сугориш техникаси ва технологияси, янги техника, янги технология.

1. Мелиорацияга капитал куйилмалар иктисодий самарадорлигини аниклаш хусусиятлари.

Сув хужалиги курилиши куламлари ошган хозирги шароитларда капитал куйилмалар самарадорлигини ошириш муаммоси алохида аҳамият касб этмокда. Инвестиция сиёсати капитал маблаглар самарадорлигини оширишни, уларни хал килувчи участкаларга жамлашни таъминлаши лозим, юксак халк хужалик самарасига ва иктисодиётнинг балансли ривожланишига тезда эришиш, сарфланган хар бир сум хисобидан махсулотнинг ва миллий даромаднинг энг куп усишига эришиш энг мухим масала хисобланади.

Мелиорацияга капитал куйилмалар самарадорлигининг мохияти кишлок хужалиги ишлаб чиқариш максади билан белгиланади. Хрзирги кунда махсулот бирлигига энг кам сарфлар билан кишлок хужалиги махсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, муттасил усиб бораётган, жамият эхтиёжларини кондиришга куп даражада кумаклашадиган нарсалар самаралидир.

Самарадорлик пировард натижани, сарфланган ресурслар самарасини акс эттиради. Бунда олинган натижалар максималлаштиришга, сарфлар эса минималлаштиришга интилади. Килинган сарфлар хисобида махсулот канча куп олинган булса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча юкори булади. Эришилган натижаларнинг (Р) сарфларига (З) нисбати булган самарадорлик даражаси (Э) максимумга интилади.

$$\text{Э} = \text{Р} / \text{З} - \text{максимум}$$

Иктисодий самарадорлик даражаси мезон сифатида намоён буладиган комплекс курсаткич ва бошка бир канча хусусий курсаткичлари билан аникланади. Махсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган жонли ва ижтимоий меҳнат тежамини ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезони деб билмок керак. Бу курсаткич мазкур ходиса мохиятини энг тула акс эттиради.

Мелиорацияга капитал куйилмаларнинг иктисодий самарадорлигини аниклашда кишлок хужалиги ишлаб чиқариши ва мелиорация фондларининг хусусиятларини хисобга олиш зарур.

Курилиш лаги-асосий фондларга авансланган капитал сарфлар муддати билан улардан олинган самара уртасида буладиган вақтдаги узилишдир. У тугалланмаган ишлаб чиқаришда курилиш давридаги капитал куйилмаларни «ишга солмай туриш» билан аникланади. Курилиш лагининг катталиги объект курилиши давомийлигига ва курилиш йиллари буйича капитал куйилмалар

узлаштирилиши суммаларига боглик булади.

Узлаштириш лаги-асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши билан мелиорациядан тула (лойихали) самара олиними уртасида буладиган вақтдаги узилишдир.

Узлаштириш лагининг давомийлиги ишга туширилган майдонларни узлаштириш интенсивлигига, тупроклар типи ва кишлок хужалиги корхоналари ихтисослашувига боглик булади. Лекин гидромелиорация тизимлари ва майдонларни кишлок хужалиги йули билан узлаштириш ишларини бир вақтда олиб боришда капитал қуйилмалар иктисодий самарадорлигини ошириш учун анча қулай шароитлар яратилади.

2. Капитал қуйилмалар умумий (мутлок) иктисодий самарадорлигининг курсаткичлари.

Капитал қуйилмалар самарадорлигини баҳолашга ягона ёндашими таъминлаш мақсадида ерларни сугориш ва захини қочириш ҳамда утлоқларга сув чиқаришга капитал қуйилмаларнинг иктисодий самарадорлигини аниқлаш инструкция (услуги) си ишлаб чиқилган.

Услугида ҳар бир лойихани иктисодий жиҳатдан асослашда капитал қуйилмаларнинг ҳам умумий (мутлак), ҳам нисбий иктисодий самарадорлиги курсатилади. Умумий (мутлак) самарадорлик сарфлар ва самарани таққослаш ҳамда шу билан аниқланаётган сув хужалиги тадбирларининг хужалик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлигини аниқлаш имконини беради.

Мелиорациянинг иктисодий самарадорлигини аниқлашда соф даромад катталиги билан ифодаланган бутун пировард самара ҳисобга олинади. Капитал қуйилмаларнинг узини-узи қоплаши муддати ёки иктисодий самарадорлик коэффициенти капитал қуйилмалар иктисодий самарадорлигининг асосий курсаткичи ҳисобланади.

Капитал қуйилмаларнинг узини-узи қоплаши (Ткчд) айрим қурилишлар, корхоналар ва объектлар бўйича капитал қуйилмаларнинг (К) йиллик соф даромадга (Дч) нисбати билан аниқланади.

$$T_{кчд} = \frac{K}{C \cdot Дч} = K.$$

Узини-узи қоплаш муддати дейилганда, соф даромаднинг капитал қуйилмаларга тенг $K = Дч \cdot T$ суммаси олиними таъминланадиган вақт (йилларда) тушунилади. Бу курсаткич капитал қуйилма соф даромадни уртача йиллик суммасидан неча баровар қулигини аниқдайди.

Иктисодий самарадорлик коэффициенти (Екчд) узини-узи қоплаш муддатига тесқари миқдор бўлиб, йиллик соф фойданинг (Дч) капитал қуйилмаларга нисбати билан аниқланади.

$$E_{кчд} = \frac{Дч}{C} = \frac{Дч}{K}.$$

Иктисодий самарадорлик коэффициенти бир йилги соф фойда ҳисобига бир йула сарфларнинг қайси қисми қайтиб қилишини ($Дч=ЕК$) ёки капитал қуйилмаларнинг бир сумига соф фойданинг қанчаси туғри қилишини

курсатади.

Мазкур тадбирнинг соф фойдага таъсирини аниклаб булмаганда иктисодий самарадорлик махсулот таннархи пасайишидан олинган тежамнинг, бу тежамни тугдирган кушимча капитал куйилмаларга нисбати билан аникланади.

$$E_{кс} = \frac{C - C_{AC}}{K - K_{AK}}$$

бунда: Екс-махсулот таннархининг камайиши
хисобига олинадиган капитал куйилмалар самарадорлиги

$$T_{кс} = \frac{K_2 - K_{AK}}{C - C_{AC}}$$

бунда: Ткс-махсулот таннархининг камайиши хисобига капитал куйилмаларнинг узини узи коплаши.

Мелиорациянинг хакикатдаги самарадорлигини бахолашда сарфлар сифатида амалдаги ишлаб чиқариш фондлари намоён бўлади. Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг умумий иктисодий самарадорлиги Ерф соф фойда суммасининг Дч уртача йиллик ишлаб чиқариш фондлари Ф микдорига нисбати тарзида аникланади:

$$E_{рф} = \frac{Дч}{Ф}$$

ёки

$$T_{рф} = \frac{Ф}{Дч},$$

бунда: Трф-узини-узи коплаш муддати.

Ишлаб чиқилган инструкция самарадорлик меъёрий коэффициентлари хужаликлар ихтисослашувига боглик холда белгиланган: галла чорвачилик хужаликлари-0,10, сабзавотчилик хужаликлари -0,11, пахтачилик хужаликлари -0,15, богдорчилик узумчилик хужаликлари-0,14, шоликорлик хужаликлари-0,16. Капитал куйилмалар самарадорлик коэффициенти $E_{ф} > E_{н}$ меъёрдан куп ёки хар холда кам булмаса узини-узи коплаш муддати $T_{ф} > T_{н}$ меъёридан кам ёки ошиб кетмасагина самарали бўлади.

Мелиорация фондлари узок вақт ишлатиладиган фондлардир. Улар узини-узи коплаш муддати (6-10 йил) тугаганидан кейин ҳам уз истеъмол кийматини йукотмайди, балки ишлаб чиқариш жараёнида лойиха унумдорлиги билан амал килаверади. Бу мелиорация дехкончилиқда ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси булган ер капитал режалаштиришдан ҳамда унумдорлигига факат 4-5 йилдан кейин эришади.

3. Капитал куйилмаларнинг нисбий иктисодий самарадорлик курсаткичлари ва вақт омилининг ҳисоби.

Режалаштириш ва лойиҳалашда оптимал вариантни танлаш учун капитал куйилмалар нисбий иктисодий самарадорлигининг курсаткичлари

кулланилади.

Нисбий вариантлар махсулот ишлаб чиқариш куввати, хажми, унинг сифати, сарфлар ва самара олиш вақти, нархлар ва бир канча бошка белгилар буйича таккосланадиган булиши керак. Таккосланадиган вариантлар буйича пировард натижалар бир хил булган такдирда анча тежамли вариант сарфларини узаро улчаш йули билан аникланади.

Вариантларни таккослаш капитал куйилмалар ва махсулот таннархи курсаткичлари буйича утказилади. Лекин бу курсаткичларни хажмлилики буйича таккослаб булмайдди. Капитал куйилмалар махсулот ишлаб чиқариш шароитларини асосий фондлар мавжуд булган бутун давр мобайнида таъминлайди, махсулот таннархи эса факат бир йил мобайнидагина таъминлайди. Бу сарфлар таккосланадиган булиши учун ягона хажмлиликка келтириш керак булади.

Келтирилган сарфлар (Эп) энг кам суммасига эга булган вариант энг тежамли вариант хисобланади.

$$Зп = C + E_n * K = \text{энг кам},$$

бунда: E_n -капитал куйилмалар иктисодий самарадорлигининг меъёрий коэффиценти.

Нисбий иктисодий самарадорликнинг меъёрий коэффиценти 0,15 дан паст булмаган даражада белгилангандир. Бу капитал куйилмалар узини-узи копла^шининг меъёрий муддати 6,4 йилдан (1/015) ошмаслигига ёрдам беради.

Капитал куйилмалар ва ишлатиш сарфлари таркибини аниклашда куйидаги коидаларга амал килиш керак:

- хисоб-китобларни соддалаштириш учун лойихали ечимнинг мазкур вариантыга боглик бир йула ва жорий сарфларнигина таккослаш керак;

- капитал куйилмалар ва чикимларни куриб чикилаётган бугин буйичагина эмас, балки кушни технологик жихатдан боглик бугинлар буйича хам хисобга олиш керак.

Келтирилган сарфларнинг энг кам суммаси буйича бошка вариантларга нисбатан яхши вариант ажратиб олинади, иктисодий самара эса келтирилган сарфларни тежаш оркалигина ифодаланиши мумкин. Икки вариант буйича келтирилган сарфлар хар хиллиги йиллик иктисодий самарани тавсифлайди.

$Эзп = [(C_1 + E_n K_1) - (C_2 + E_n K_2)] A_2 = 3п_2 - 3п_1 * A_2$ Капитал куйилмалар таккосланадиган вариантлар буйича турли муддатларда утказилса ёки жорий сарфлар вақт ичида узгарса, сарфлар таккосланиш учун ягона моментга келтирилади, сарфлар самарадорлиги уларнинг курили^{ши} амалга ошириладиган муддат мобайнида турлича таксимланишига боглик булади. Сарфлар вақтнинг бошлангич ёки охириги моментига келтирилиши мумкин. Турли вақтдаги сарфларни бир даврга келтириш учун келтириш коэффиценти (В) дан фойдаланилади.

Анча кейинги йиллардаги сарфларни бошлангич моментига келтириш учун куйидаги формуладан фойдаланилади.

$$B = \frac{1}{\tau},$$

$$(1 + E_{np})^t$$

бунда: t-йилларда келтириш-даври;

Ен.п.-турли вақтдаги сарфларни келтириш меъёри (0.08).

Сарфларни анча кеч даврга келтириш коэффициенти (курилиш тугалланиши моментида) куйидагича аникланади:

$$B = (1 + E_{np})^t$$

Объектни ишга муддатидан илгари топширишни жадаллаштиришдан олинган самара хажми (Эув) куйидаги формула буйича аникланади:

$$\dot{E}_{ув} = E_{np} \Phi_{oc}(T_n - T_n),$$

бунда: Фос-ишга муддатидан илгари туширилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг киймати, минг.сум;

T_n ва T_ф-курилишнинг йиллардаги меъёрий ва ҳақиқатдаги муддатлари.

Курилиш давомийлиги меъёрлари бузилса ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг ишга туширилиши кечикса, маҳсулот ишлаб чиқариш кечикади

хамда халқ хужалигига зарар келтирилади (Увф). Бунда пайдо буладиган

йукотишлар куйидаги формула буйича ҳисобланади:

$$U_{вф} = E_{np} \Phi_{oc}(T_{ф} - T_n).$$

Курилишнинг ҳақиқатдаги муддати меъёрий муддатларга нисбатан камайса, халқ хужалиги куйидаги формула буйича аникланадиган иқтисодий самара Эвк ни олади:

$$\dot{E}_{вк} = E_{np}(K_n T_n - K_{ф} T_{ф}),$$

бунда: K_n ва K_ф-туғалланмаган курилишга капитал куйилмаларнинг меъёрий ва ҳақиқатдаги хажми, минг сум.

Маблағларнинг тугалланмаган курилишга курилиш задели меъёрий муддатига нисбатан анча узок даврга жалб этилиши натижасида халқ хужалигига етказиладиган зарарлар Увк куйидаги формула буйича аникланади:

$$U_{вк} = E_{np}(K_{ф} T_{ф} - K_n T_n).$$

4. Ерлар мелиорацияси иқтисодий самарадорлигини аниқдаш.

Ерларни мелиорациялашнинг асосий вазифаси - кишлок хужалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни купайтиришдир. Ялпи маҳсулот киймати кишлок хужалиги ишлаб чиқаришининг натижали курсаткичи ҳисобланади ва бошқа иқтисодий курсаткичларни ҳисоблаш учун асос хизматини утайди.

Мелиорация кишлок хужалиги оборотида фойдаланилаётган ерларда утказиладиган холларда капитал куйилмалар самарадорлиги мелиорациядан олинган кушимча соф даромадга кура аникланади. Капитал куйилмаларнинг узини-узи коплаши муддати куйидаги формула буйича аникланади:

$$I_{кчд} = \frac{-T_A K + K}{(C_m - I_m) - (C_b - I_b) D_{чм} - D_{чб} A_{Дч}} = \frac{K}{(C_m - I_m) - (C_b - I_b) D_{чм} - D_{чб} A_{Дч}},$$

бунда: T_{кчд}-капитал куйилмаларнинг кушимча соф даромад буйича узини-узи коплаш муддати, йил;

K-капитал куйилмалар, сум;

C_м ва C_б-мелиорация ерларидан ва мелиорация утказилишидан илгари шу

ерлардан олинган махсулот киймати, сум;

Им ва Иб-мелиорацияланган ерларда ва мелиорация утказилишидан олдин шу ерларга сарфланган ишлаб чиқариш чикимлари, сум;

Дчм ва Дчб мелиорациялангунгача олинган соф даромад сум; Дч-мелиорация билан шартланган қушимча даромад.

Капитал қуйилмалар ҳажмини аниқлаш. Капитал қуйилмалар умумий суммасига (К) ҳужаликлараро шаҳобча ва иншоотлар мелиорация қурилиши (Кмх) ҳамда ички ҳужалик шаҳобчаси ва иншоотлари (Квх) сарфлари, шунингдек ерлар узлаштириш ҳамда мелиорация билан боғлиқ ишлаб чиқариш йуналишидаги қишлоқ ҳужалиги қурилиши сарфлари (Косв) киритилади:

$$K = K_{mx} + K_{vx} + K_{osv}.$$

Қишлоқ ҳужалиги махсулотлари қийматини аниқлаш. Мелиорацияга йуналтирилган капитал қуйилмалар иқтисодий самарадорлигига, аввало, ерлар унумдорлигининг экинлар ҳосилдорлиги ва экин майдонлари таркиби билан белгиланадиган даражаси таъсир утқадади.

Қиймат қуринишидаги ялпи махсулот чиқиши зона харид нархлари буйича аниқланади. Озуқа экинларига харид нархлари белгиланмаганлиги туфайли озукалар қиймати сули нархи буйича ёки чорвачилик махсулоти қиймати орқали аниқланади. Биринчи ҳолда озуқа экинларининг махсулоти коэффициентлар буйича озуқа бирикмаларига айлантирилади ва сули харид нархи буйича баҳоланади.

$$Ц_{кор} = U \times F \times K \times Ц_{ов},$$

бунда: $Ц_{кор}$ -озукалар қиймати, сум;

U-озуқа экини ҳосилдорлиги, ц;

F -экиладиган майдон, га;

K-озуқа бирликларига айлантириш коэффициенти;

$Ц_{ов}$ -1 ц сулининг харид нархи, сум.

Чорвачилик махсулоти буйича баҳоланадиган озукалар қиймати қуйидаги формула буйича ҳисобланади:

$$Ц_{кор} = \frac{Ц_{ж} * P * A_{кед}}{100 * K_{ед}},$$

бунда: $Ц_{кор}$ - чорвачилик махсулоти буйича баҳоланадиган озукалар қиймати сум;

$Ц_{ж}$ -1 ц чорвачилик махсулоти нархи, сум;

P-чорвачилик махсулоти таннархи структурасидаги озукалар сарфлари улуши, %

Aк ед -озукалар ялпи йигими, озукалар бирлиги, ц;

Kед-1 ц чорвачилик махсулотига сарфланадиган озукалар микдори, озуқа бирлиги.

Ишлаб чиқариш қиёмларини аниқлаш. Сугорма дехкончиликдаги моддий ва меҳнат сарфлари сугорилмайдиган дехкончиликдагига нисбатан анча каттадир. Сув чиқарилган ерларда қишлоқ ҳужалиги махсулотлари ишлаб чиқаришга сугориш тизимини ишлатиш, сув чиқариш ва бошқа

агромелиорация тадбирлари билан боғлиқ қушимча маблағлар сарфланади.

Шундай қилиб, сугориш шароитидаги ишлаб чиқаришнинг тула (жамлама) чиқимлари қуйидагича таркиб топади:

$$\Sigma \text{сум} = 3\text{мх} + 3\text{вх} + 3\text{сх}.$$

Сугориш суви таннархи бўйича хужаликлараро ишлатиш чиқимлари $\Sigma \text{мж}$ микдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Sigma \text{мж} = C W_{\text{бр}} = C \frac{W_{\text{нн}}}{\text{ФИКиХиш}^5},$$

бунда: C -сугориш сувининг таннархи, сум/м³;

$W_{\text{бр}}$ ва $W_{\text{нт}}$ -берилган сугориш сувининг микдори (брутто ва нетто), м³;

ФИКиХиш-ички хужалик шабоҳчасини фойдали иш коэффициентини.

Соф даромад, рентабеллик ва капитал қуйилмалар узини-узи коплаш муддатини аниқдаш. Кишлоқ хужалигидаги соф даромад махсулот таннархи билан уни ишлаб чиқариш уртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқилади. Иктисодий самарадорликни аниқлаш учун мелиорация утказилганидан кейинги ва унеча булган соф даромад суммасини ҳисоблаб чиқиш керак бўлади.

$$Д_{\text{чм}} = \Sigma \text{м} - \text{Им}$$

$$Д_{\text{чб}} = \Sigma \text{б} - \text{Иб}$$

Мелиорация билан шартланган қушимча соф даромад қуйидагини ташкил этади:

$$АДч = Д_{\text{чм}} - Д_{\text{чб}} \quad АДч$$

$$= АЦ - АИ$$

бунда: $АДч$ -мелиорациядан кейинги қушимча даромад, сум;

$АЦ$ -Мелиорациядан кейинги қушимча. ялпи махсулот; сум;

$АИ$ -Мелиорацияга сарфланган қушимча жорий харажат; сум.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасининг сарфлар самарадорлигини тавсифловчи даражаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$R_{\text{м}} = \frac{Д_{\text{чм}} * 100}{И_{\text{м}}}$$

$$p_{\text{д}} Д_{\text{чб}} * 100 = И_{\text{б}} ,$$

бунда: $R_{\text{м}}$ -мелиорациядан кейинги рентабеллик даражаси;

$R_{\text{б}}$ -мелиорациядан олдинги рентабеллик даражаси.

Курилиш лаги ва узлаштириш лаги ерлар мелиорациясига капитал қуйилмалар узини-узи коплашнинг асосий муддатини узайтиради.

$$T = \frac{K}{\text{кчд.пол} \cdot \text{д} \cdot \text{мм} \cdot \frac{ZJ}{AD} \cdot \frac{UH}{ч} \cdot \frac{об}{об} \cdot \frac{И \cdot A + A}{стр} \cdot \frac{осв}{осв}},$$

бунда: $L_{\text{стр}}$ -курилиш лаги,

$L_{\text{осв}}$ -узлаштириш лаги

5. Гидромелиорация тизимларини реконструкциялаш иктисодий

самарадорлигини аниклаш усуллари.

Сугориш тизимини техника жихатдан такомиллаштиришга капитал куйилмалар иктисодий самарадорлигини аниклаш учун куйидагиларни аниклаш зарур:

-тизимни такомиллаштиришнинг айрим йуналишлари буйича реконструкция килишдан олинган самара;

-жамлама (йигинди) йиллик самара;

-жамлама йиллик самара буйича реконструкция килишга. капитал куйилмалар узини-узи коплаши муддати.

Сугориш тизимларини такомиллаштириш айрим йуналишлари буйича реконструкция килишдан олинган самарани аниклаш.

А) ЕФК ни ошириш хисобига сугориладиган ерлар майдонини кенгайтиришдан олинган самара, тизим ЕФК реконструкциядан кейин куйидагиларни ташкил этади:

$$W_p = W + AW,$$

бунда: W_p -реконструкциягача булган тизимнинг ЕФК;

A W -реконструкция натижасини ЕФК нинг усиши.

Сугориладиган ерлар майдони (нетто) тизим реконструкция килингандан сунг куйидагича аникланади:

$$Fr_n^1 p = F_{бр} - W_p,$$

бунда: $Fr_n p$ - реконструкциядан сунг сугориладиган нетто майдон, га;

$F_{бр}$ - сугориладиган брутто майдон, га

Сугориладиган майдон усиши (нетто) тизим реконструкцияланиши натижасида куйидагини ташкил этади:

$$A Fr_n^1 p = Fr_n^1 p - Fr_n^1,$$

бунда: Fr_n^1 - реконструкциягача булган сугориладиган нетто майдон. га

Соф даромад купайишига кура ЕФК ошиши хисобига сугориладиган майдон кенгайтиришдан олинадиган йиллик самара (СЕФК) куйидаги формула буйича аникланади:

$$C_{эфк} = АДч * AP_{нт p}, \text{ бунда: } АДч - \text{йиллик соф}$$

даромад усишининг сугоришдан олинган суммаси, сум/га.

б) шахобча ФИК ошиши хисобига сугориш суви йуколишлари пасайишидан олинадиган самара. Шахобча ФИК таъмирлангандан кейин куйидагини ташкил этади:

$$K_p = N + A N, \text{ бунда: } N -$$

реконструкциядан кейинги шахобча ФИК;

$A N$ - реконструкция натижасида шахобча ФИК нинг усиши.

Сугориш учун керакли сув микдори тизим реконструкциясигача ва ундан кейин куйидагича аникланади:

$$W_{бр} = (u * B_{нт}) / n \quad W_{бр p} = (u * R_{нт p}) / p_r \text{ бунда: } W_{бр.p} - \text{сугориш сувнинг}$$

(брутто) тизим реконструкциясигача ва

3

ундан кейинги микдори, минг м ;

$B_{нт p}$ -реконструкция утказилган майдон. га. u - уртачалаштирилган

сугориш меъёри, м³/ га.

Сугориш тизими техника жихатдан такомиллаштирилиши натижасидаги йукотишлар камайишидан сув тежаш хажми (А—р) куйидагича хисобланади:

$$A W_p = W_{bp} - W_{bp} p.$$

Каналлар шахобчаси ФИК ошиши хисобига олинган иктисодий самара 1м³ сугорув суви таннархи ва йукотишлар камайишидан олинган сув микдори буйича аникланади:

$$\Delta K_{пд} = \frac{A - p_s}{p_s},$$

бунда: С - сугориш суви таннархи, сум/м ;

в) каналлар тозалаш ишларининг сермехнатлигини камайитиришдан олинган самара. Мехнат унумдорлиги ошиши натижасида сугориш ва коллектор-дренаж шохобчасида бевосита сарфлар ҳамда устама харажатлар тежами содир булади.

Мехнат унумдорлиги ошиши натижасида бевосита сарфлар тежами (Эпз) куйидаги формула буйича аникланади:

$$\Delta n_z = \left(1 - \frac{100 + A Z_{пз}}{100 + A B} \right) a * Z_{пз}$$

бунда: Зпз- асосий иш хакининг усиши, %да (0,2 : 0,3 к в кабул килинади)

А В-мехнат унумдорлигининг усиши, %да;

а- бевосита сарфлар суммасидаги асосий иш хаки улуши (0.2 : 0.4 кабул килинади);

Зпр-каналларни тозалашга бевосита сарфларнинг бошлангич даражаси.

г) гидротехника иншоотлари хизмат килиш муддати узайишидан олинган самара.

Мехнат унумдорлиги ошиши ва каналларни тозалаш ишлари сермехнатлигининг камайиши натижасида устама харажатлар тежами (Энр) куйидаги формула буйича аникланади:

$$\Delta n_r = p * Z_{пз} + X * T_p,$$

бунда: Р - бевосита сарфлар камайганида устама харажатлар

улушининг пасайиши (0.15 кабул килинади);

А - ишларининг сермехнатлиги камайганда устама харажатлар пасайишининг йириклаштирилган меъёри;

Тр - каналларни тозалашда ишлар сермехнатлигининг пасайиши.

Келгуси йиллар сарфларини тадбирлар жорий этила бошлашига келтириш учун келтириш коэффиценти кулланилади:

$$B = \frac{1}{(1 + E_{ни})}.$$

Иншоотлар узок вакт ишлаши ошишидан олинадиган самара (Эк) капитал сарфлар фарки буйича аникланади:

$$\Delta K = K - K_{пр}.$$

Жамлама йиллик самара буйича реконструкцияга капитал куйилмаларни

узину-узи коплаш муддати куйидаги формула билан аникланади:

$$K + \Phi_{ост} = \mathcal{E}$$

’ бунда: Т- узину-узи коплаш муддати;

К-капитал куйилмалар микдори.

6. Сугориш техникасини иктисодий баҳолаш.

Сув-мелиорация ишлаб чиқаришига янги техникани жорий қилиш янги мелиорация машиналари, қурилиш конструкциялари, гидротехника иншоотлари яратиш ва улардан фойдаланиш, янги материалларни қулланиш, янги технологик жараёнларни жорий қилиш ва ишлаб турганларини такомиллаштириш асосида содир бўлмоқда.

Сугоришнинг янги техникасини танлаш учун ҳам нисбий, ҳам умумий (мутлок) иктисодий самарадорлик усуллари қулланилади.

Сугориш техникасини танлашни қабул қилинган услубиётга қура умумий (мутлок) иктисодий самарадорлик асосида утқозиш керак. Бунда энг қу соф даромад (Эмак) самарадорлик мезони этиб олинади. Энг қулай вариант қуйидаги шартлардир:

$$\mathcal{E}_{мак} = Ц - (C + E_n \times K),$$

бунда: Ц - қушимча махсулот қиймати, сум;

Сугоришнинг янги техникасини яратиш ва жорий қилиш самарадорлиги техниканинг техника-иктисодий курсаткичлари базавий ва янги вариантини таққослаш йули билан аникланади. Оптимал вариантини танлаш қуйидаги бир қанча вариантлар асосида утқозилади:

- махсулот ишлаб чиқаришнинг ҳосилдорлик усиши, шохобча ЕФК ва ФИК ошиши ҳисобига қулайиши;
- сугоришдаги меҳнат унумдорлигининг ошиши;
- майдон бирлигига сугориш таннархининг қамайиши;
- қелтирилган сарфларнинг қамайиши.

Сугориш таннархини ҳисоблаш учун базавий ва янги ёмғирлатиш машинаси турлари бўйича йиллик қикимларни аниклаш керак бўлади. Шартли гектар-сугориш таннархи иш бирлиги сифатида қалькуляция қилинади.

Сугориш таннархини пасайтиришдан олинадиган йиллик иктисодий самара (Эс) қуйидаги формула бўйича аникланади:

$\mathcal{E}_с = (C_b - C_n) \times A_{тн}$, бунда: C_b ва C_n - базавий ва янги машина янги шартли гектар сугоришининг таннархи, сум/ц. га - пол;

$A_{тн}$ - янги машина бажарган ишларининг йиллик ҳажми, ц / га - пол. Сугорма дехқончилигидаги техника тараққиётининг асосий йуналишларидан бири иш сермеҳнатлигини қамайтиришни таъминлаши лозим бўлган юқори унумдор техникани жорий қилишдир. Таҳлил қилинадиган вариантлар гектар сугоришининг сермеҳнатлиги бўйича янги техника билан сугориладиган сугориш ҳисобли майдонига қилинган меҳнатнинг йиллик тежами аникланади. Янги техникани қулланиши меҳнатнинг йиллик тежамига олиб қелади:

$\mathcal{E}_т = (T_{р.б} - T_{р.н}) \times A_{т.н}$, бунда: $\mathcal{E}_т$ - янги машина жорий этишдан қелган жонли меҳнатнинг йиллик тежами, қиши - соат;

$T_{р.б}$ ва $T_{р.н}$ - базавий ва янги машина иши (сермеҳнатлилик) бирлигига

мехнат сарфлари, киши - соат / ц. га - пол.

Янги сугориш техникаси ишлаб чиқариладиган кишлок хужалиги махсулотлари микдорига бевосита таъсир утказмаса, вариантни танлаш келтирилган сарфлар энг кам суммаси билан аникланади, йиллик иктисодий самара (Эп) эса уларнинг тафовути бўйича ҳисобланади:

$$\text{Эн} = (\text{Сб} + \text{Ен} \times \text{Кб}) - (\text{Сн} + \text{Ен} \times \text{Кн}) \times \text{Ат.н} = (\text{Зп.б} - \text{Зп.н}) \times \text{Ат.н},$$
бунда: Кб ва Кн - сугориш базавий ва янги техникасининг улушли капитал куйилмалари, сум / ц. га - пол.

Зпб-базавий техника бўйича келтирилган харажат, сум;

Зпн-янги техника бўйича келтирилган харажат, сум.

Яхшиланган сифат тавсифига эга булган янги сугориш техникасини жорий қилишдан олинган йиллик иктисодий самара (Э) ҳисоби қуйидаги формула бўйича утқазилади:

$$\text{Э} = \left(\frac{\text{Вн} - \text{Вб}}{\text{Вн} + \text{Вб}} \right) \text{Ат.н} + \text{АДч},$$

бунда: Вн / Вб - янги техниканинг базавий техникага нисбатан унумдорлиги ўсиши ҳисобининг коэффиценти;

Вн ва Вб-сугориш янги ва базавий техникасининг йиллик ишлаб чиқариши ц га - пол;

Цн/Цб-кишлок хужалик экинлари ҳосилдорлиги ўсиши ҳисобига махсулот ишлаб чиқиши ўсиши ҳисобининг коэффиценти;

Цн ва Цб-сугориш янги ва базавий техникасини қулланиб ишлаб чиқилган махсулот қиймати, сум/ га;

АДч-сугориш янги техникасини базавий техникага нисбатан қулланиш натижасида шаҳобча ЕФК ва ФИК ўсиши ҳисобига олинган қўшимча соф даромад, сум.

Сугориш техникасининг нисбий иктисодий самарадорлиги умумий (мутлок) самарадорлик курсаткичи билан тулдирилади. Сугориш янги техникасига қўшимча капитал қуйилмаларнинг иктисодий самарадорлиги қуйидаги йиллик иктисодий самара бўйича аникланади:

$$E = \frac{\text{Энз}}{K}.$$

7. Қишлоқ хужалик сув таъминоти иктисодий самарадорлигини аниклаш.

Сув қувурларни лойихалашда тизим асосий иншоотлари вариантларини техника-иктисодий жиҳатдан асослашга алоҳида эътибор берилади. Лойиҳанинг оптимал ечими келтирилган сарфлар энг кам суммаси бўйича қиёслама баҳолаш асосида белгиланади.

Сув қувурлари самарадорлигининг асосий иктисодий курсаткичи
$$c = \frac{I_2}{Q_r}$$
 истемолчиларга берилган 1м сувини таннархидир. 1м сувнинг таннархи водопровод ($Q^{\wedge}$ йиллик чиқимлари (Иг) ва йиллик унумдорлиги бўйича аникланади:

$$c = \frac{I_2}{Q_r}$$

Сув кувурлари фойдаси (П) истеъмолчиларга уртача йилда сув бериш киймати (Цв) билан сув кувурларини ишлатиш чикимлари йиллик суммаси (Иг) уртасидаги тафовут тарзида аникланади:

$$П = Цв \cdot Иг.$$

Ишлаб чиқариш объектлари ва аҳолининг сув таъминоти яхшиланиши натижасида кишлоқ хужалиги корхоналари санитария соғломлаштириш тадбирлари (Эсо) яхшиланиши, жамоат чорвачилигининг махсулдорлиги (Эж) ошиши, сувнинг яхшиланиши (юмшаши) (Экв) туфайли намоён буладиган бошқа билвосита иктисодий самара (Эпр) олади:

$$Эпр = Эсо + Эж + Экв.$$

Марказлаштирилган сув таъминотида санитария-гигиена шароитларининг яхшиланиши аҳолининг касалланиши ҳар бир ходим ҳисобида йилига 2 кун камайишига олиб келади:

$$Эсо = 2 \times Ззп \times Чг,$$

бунда: Эсо-марказлаштирилган сув таъминотидан келадиган самара, сум;

Ззп-уртача кунлик тариф ставкаси, сум;

Чг-марказлаштирилган сув таъминотида эга бўлган уртача йиллик ходимлар сони, киши.

Сув таъминоти ҳисобига эришиладиган самара қушимча махсулотининг 50% миқдорида бўлади.

$Эж = 0,5 \times Цж \times Аж$. бунда: Эж-чорвачилик фермаларини марказлаштиришдан келадиган самара, сум.

Цж - 1ц чорвачилик махсулотининг харид нархи, сум;

Аж-сув таъминоти ҳисобига қушимча олинган чорвачилик махсулотининг миқдори, ц.

Илмий-тадқиқот муассасаларининг маълумотларига кура сувнинг юмшаши техника таъмирлаш сарфларининг 15 -20% камайишига ёрдам беради.

$Экв = 0,5 \times Ен \times \Phi \times Акp$. бунда: Φ - машина-трактор паркиннг балансли киймати, минг сум;

Акp - капитал таъмирлаш амортизация ажратмаларининг меъёри. Сув кувурлари қурилишига капитал қуйилмалар узини-узи коплаш муддати фойда ва бевосита самара суммаси бўйича аникланади:

$$T = \frac{—}{П + Эпр}$$

Назорат ва уз-узун текшириш учун саволлар:

1. Ерларни мелиорациялаштиришнинг аҳамияти ва моҳияти.
2. Капитал қуйилмаларнинг иктисодий самарадорлигини аниқлашнинг узига хос хусусиятлари.
3. Капитал қуйилмаларнинг мутлоқ самарадорлигини аниқлаш.
4. Капитал қуйилмаларнинг нисбий самарадорлигини аниқлаш.
5. Мелиоратив тадбирларнинг иктисодий самарадорлигини аниқлаш.

6. Курилиш лагини ва узлаштириш лагини аниклаш услублари.
7. Сугориш техникасини иктисодий баҳолаш.
8. Сув тошкинига қарши тадбирларнинг иктисодий самарадорлигини аниклаш.

7- мавзу: Сув хужалиги корхоналарида бозор тизими муносабатларини

қуллаш. (2 соат)

РЕЖА:

1. *Бозор тизимининг асосий принциплари ва унинг тежамкорлик режимини амалга оширишдаги роли.*
2. *Сув хужалиги таъмирлаш-қурилиш ташкилотларида бозор муносабатларини қулланиши*
3. *Моддий рағбатлантириш фондини тузиш манбалари ва уни тула бозор тизимига ва узини пул билан таъминлашга утказилган сув хужалиги қурилиш ташкилотларида тақсимланиши.*

Таянч суз ва иборалар:

Бозор тизими, сув хужалиги эксплуатацион ташкилотлари, бозор муносабатлари, бозор принциплари, соф даромад, соф фойда, рентабеллик, моддий манфаатдорлик, ишлаб чиқариш қувватлари, узини- узи пул билан таъминлаш, моддий рағбатлантириш.

1. Бозор тизимининг асосий принциплари ва унинг тежамкорлик режимини

амалга оширишдаги роли.

Барча корхоналар уз иктисодий моҳиятига қура хужалик ҳисоби корхоналари ҳисобланади. Ҳрзирги вақтда қарийиб барча давлат корхоналари хужалик ҳисобига утказилган. Сув хужалигида қурилиш ва лойиха ташкилотлари хужалик даромади ҳисобига яшайди. Лекин сув хужалиги эксплуатацион ташкилотларининг асосий қисми (сув хужалиги таъмирлашининг эксплуатацион ва ишлаб чиқариш ташкилотлари, сув чиқариш ва зах қочириш тизимлари ва сув омборлари ва каналлари бошқармалари) ҳозирча бозор муносабатларига утказилмаган ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланмоқдалар. Айни вақтда ички хужалик мелиорация тизимлари (СИУлар) бозор тизими шароитида ишламоқда.

Бозор муносабатлари асосларида ишлаётган корхона ва ташкилотлар иктисодий ишнинг усул ҳамда принциплари «Ишлаб чиқариш корхонаси тугрисида низом» да уз ифодасини топган.

Бозор иктисодиёти шароитида ишлаб чиқишда ҳисобланган фойда ва фондлар ҳақи сингари иктисодий категориялар биринчи марта жорий этилади.

Бозор муносабатларига утган корхоналарда балансли ва ҳисобланган фойда ҳисоблаб чиқилади. Балансли фойда мазкур корхоналар балансидаги барча ишлаб чиқаришлар фойдаси суммаларидан таркиб топади. Ҳисобланган

фойда (Пр) балансли фойда (Пб) билан ишлаб чиқариш фондлари (Пф) хаки, банк кредитларидан фойдаланиш (Пб.к) ва ресурслардан фойдаланиш (Пр) хаки уртасидаги фарк сифати аникланади:

$$\text{Пр} = \text{Пб} - (\text{Пф} + \text{Пб.к} + \text{Пр}).$$


Бозор тизими корхоналар ва ташкилотларида куйидаги жамоат ва шахсий, моддий рағбатлантириш махсус фондлари яратилмокда: моддий рағбатлантириш фонди; ижтимоий-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди; ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди.

Иктисодий ривожлантириш фондлари ҳисобланган фойда ҳисобига тузилмокда. Фойдадан ажратмалар миқдори ҳисобланган рентабелликка боғлиқ бўлади.

Корхона ва ходимларнинг моддий манфаатдорлиги бу фондларга пул тушумлари миқдорининг ҳужалик фаолияти натижаларига боғлиқлигига асосланади.

Фондлар тузиш манбалари

Фойдани тақсимлаш



2. Сув ҳужалиги таъмирлаш-қурилиш ташкилотларида бозор муносабатларини қўлланиши.

Курилишдаги бозор принциплари пудрат усулида тула номоён булади. Сув хужалиги таъмирлаш қурилиш ташкилотлари барча ишларни узлари буюртмачи билан тузган шартномалар асосида олиб борадилар.

Режали жамгармалар ва қурилиш, монтаж ишлари смета қийматини камайтиришдан олинган фойда, таъмирлаш қурилиш ташкилотлари фойдаси ҳосил бўлишининг асосий манбаи ҳисобланади. Режали жамгармалар қурилиш маҳсулоти нархида-смета қийматидадир, таннарх камайтиришдан олинган фойда эса қурилиш ташкилоти фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

3. *Моддий рағбатлантириш фондини тузиш манбалари ва уни тула бозор тизимида ва узини пул билан таъминлашга утказилган сув хужалиги қурилиш ташкилотларида тақсимланиши.*

Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги учун моддий рағбатлантириш фонди тузишнинг бошланғич меъёри иш хақи умумий фондининг 5,5% миқдорида белгиланган, қурилиш объектлари ишга туширилганлиги учун бериладиган мукофотлар ҳисобга олинса, бу фонд миқдори 10,4% га етади.

Фондлар тузиш манбаи

Тақсимлаш



Қурилиш ташкилотлари ходимлари, лойихачилар ва буюртмачиларнинг объектлар қурилишини тез тугаллашини тезлаштиришидан моддий манфаатдорлигини кучайтириш ҳамда ишлар сифатини оширишни рағбатлантириш учун бажарилган қурилиш монтаж ишлари смета қийматининг 2,2% учун мукофотлар белгиланган. Мукофотлаш учун зарур суммалар сметаларда кузда тутилади.

Қурилиш объектларини уз муддатида ва муддатидан илгари ишга туширганлик учун берилadиган мукофотлар умумий суммасидан 92,5% пудрат ташкилотларига, 2,5% гачаси-буюртмачига, 5% гачаси-лойиха ташкилотларига туланади.

Материаллар тежамлилиги ва конструкциялар сакланганлиги учун мукофотлашга мулжалланган пул маблағлари ишбай мукофот ҳамда мехнат хаки бошқа тизимлари бўйича мукофот маблағлари қушилган ҳолда иш хаки фондларида ҳисобга олинади.

Назорат ва уз-узини текшириш учун саволлар:

1. Бозор принциплари хакида нимани биласиз?
2. Фойда, соф фойда ва рентабеллик қандай аниқланади?
3. Сув хужалиги ташкилотлари бозор муносабатларига қандай

утказилади?

4. Сув хужалиги ташкилотларининг фойдаси кандай таксимланади?
5. Моддий рағбатлантириш фондининг таркиби нималардан иборат?
6. Сув хужалиги ташкилотларининг узини-узи пул билан таъминлаши кандай амалга оширилади?
7. Бозор принципларига утилганда сугориш сувига таъриф кандай белгиланади?
8. Сугориш сувини етказиб бериш хакидаги шартномалар кимлар томонидан ва кандай тузилади?

Тавсия этилаётган адабиётлар руйхати

Асосий адабиётлар

1. Султонов А.С., Худайбергенов З.Я., Кучкорова С.А. Сув хужалиги иктисодиёти. Дарслик -Т.: 2007. 310 б.

2. Султонов А.С., Умурзоков У.П., Рашидов Ж.Х. Сув хужалиги иктисодиёти ва менежменти. Дарслик -Т.: 2008. 272 б.

3. Султонов А.С. ва бошқалар. Сугориладиган ерлар сув хужалиги экономикаси. Укув кулланма -Т.: Мехнат. 1989. 223б.

4.

А

бдуганиев А., Абдуганиев А.А. Кишлоқ хужалиги иктисодиёти. Дарслик - Т.: 2004. 304 б.

кушимча

1. Хамраев Н.Р. Джалалов С.Ч. Экономика водосберегающих технологий орошения в Узбекистане. - Т.: Мехнат. 1990.-185 с.

2. Джалалов С.Ч. Докторская диссертация на тему: «Экономическая эффективность орошаемого земледелия в условиях дефицита водных ресурсов». -Т.: 1998.

Интернет манбалари

1. www.iwmi.org.
2. www.icarda.org.
3. www.cawater-info.net/news/indexs.
4. www.cawater-info.net/library/rus/land/nadzor.pdf.
5. www.spc.gov.uz/ru/legislation/p290_280603.
6. www.cawater-info.net/news/082004/01.
7. www.teriin.org.
8. www.worldwaterforum4.org.mx.
9. www.ecwatech.ru.
10. www.google.ru.
11. www.reviem.uz.
12. www.cer.uz.
13. www.obo.ru.